БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 175 (17.457). • 2 август 1979 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Риштон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози деҳқонлари 3873 гектар майдондаги ғўзани яхши парвариш қилишмоқда. Улар бу йил 12 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини кўтаришга шайланишган. Совхоз далаларида 82 та чопиқ трактори ишлатилмоқда. 500 сувчи унумли меҳнат қилмоқда. Суратда: совхознинг «Правда» бўлими бригада бошлиғи Нўъмонжон Тўйчиев. У бош бўлган коллектив бу йил гектаридан 35 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган.

А. Тўраев фотоси.

АВГУСТ—ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

◆ АВГУСТ ОЙИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН КУЧАЙТИРАЙЛИК, ҚУСАКЛАР ЕНИГА ҚУСАКЛАР ҚЎШИБ, ТЕЗРОҚ ОЧИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК! БИРОРТА ҲОСИЛ НИШОНАСИНИНГ ТУКИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН!

◆ МЕХАНИЗАТОРЛАР, ЧОПИҚЧИЛАР, СУВЧИЛАР ИШ СИФАТИНИ ОШИРГАНЛАРИ ҲОЛДА КУНЛИК ГРАФИКЛАРНИНГ БИР ЯРИМ-ИККИ БАРАВАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАСИНЛАР. БЕГОНА ЎТЛАР, ҲАШАРОТЛАРНИ БУТУНЛАЙ ЙЎҚОТАЙЛИК!

◆ ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ АВЖ ОЛДИРГАН ҲОЛДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ПУХТА ТАРАДДУД ҚУРАЙЛИК, «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИ СИФАТЛИ РЕМОНТДАН ЧИҚАРИБ, МАВСУМГА ШАЙЛАБ ҚЎЯЙЛИК!

◆ ЧЕКАНКАНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН ТЕЗРОҚ ТУГАЛЛАШГА ЭРИШАЙЛИК!

ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ СЎЗИ ҚАТЪИЙ

БЎКА. Кеча бу ерда пойтахт область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалик илғорлари, бригада бошлиқлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари, район комсомол комитетларининг биринчи секретарлари, халқ контроли комитетларининг раислари, область ва район қишлоқ хўжалик, сув хўжалиги ва тайёрлов органларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди.

Кенгаш қатнашчилари мусобақадош Жиззах области қишлоқ хўжалик ходимлари ўзаро текшириш бригадаси кишининг якунлари ва Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1979 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришни таъминлаш чоралари ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар. Ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари — Жиззах область ижроия комитетининг раиси Э. Исломов текшириш якунлари ҳақида ахборот берди.

Кенгашда Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломов, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хван Ман Гим, Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Газатов, Ғалаба районидаги Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бўлим бошқарувчиси А. Айвазова, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг сигир соғувчиси Ж. Асҳўжаева, Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи А. Шерматов, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов ўртоқлар сўзладилар. Улар мусобақадош Жиззах областидан келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзоларига область хўжаликларида пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш, давлатга деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари топшириш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида қилинаётган ишларни синчиклаб ўрганганликлари, бу соҳада эришилган ютуқларни кўрсатиш билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликларни юзхотир қилмай очиб ташланганликлари, уларни тугатиш юзасидан дўстона маслаҳатлар берганликлари учун қизғин миннатдорчилик билдирдилар.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари бир ҳафта мобайнида областдаги барча районларда, кўпчилик колхоз ва совхозларда бўлишди. Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг беш йиллигининг тўртинчи йилида ҳар қачонгидан кўпроқ пахта, дон, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш юзасидан олиб бораётган курашлари, пахта далаларида, ғаллазорларда, чорвачилик фермаларида қилаётган фидокорона меҳнатлари билан чуқур таништишди. Улар область пахтакорлари, чорвадорлари ва барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги туфайли юз берган қийинчиликларни мардонавор енгиб, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш юзасидан кўпгина иш қилдилар. Дон, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топширишни кўпайтиришда муайян ютуқларга эришдилар.

Кенгашда ана шуларни қайд қилиш билан бир қаторда, пахтачилик ва бошқа тармоқлардаги ишда жиддий камчиликлар ҳам борлиги кўрсатилди. Ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг дўстона маслаҳатлари ва таклифлари, дейилди кенгашда, пойтахт области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига улар олдида турган энг муҳим вазифаларни аниқроқ тасаввур этиш, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш, қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашни кучайтиришда ёрдам беради.

Тошкентликларнинг сўзи қатъий. Улар бу йил она-Ватанга 430 минг тонна пахта ва кўп миқдорда дон, сабзавот, гўшт, сут, тухум ҳамда бошқа маҳсулотлар етказиб бериш ҳақида берган ваъдаларининг устидан албатта чиқадилар.

Кенгаш қатнашчилари асосий эътиборни ғўзанинг ривожланишида ҳамон мавжуд бўлган қолоқликни тезроқ тугатишга, ҳамма жойда ғўза парваришини сентябрь ойининг биринчи ярми охиригача бўшаштирмай давом эттиришга ва барча майдонда мўлжалдаги мўл ҳосилни етиштиришга қаратдилар. Август ойида асосий майдонлардаги ғўзани иккинчи марта комплекс парвариш қилиш, айниқса ғўзани суғоришни тўғри ташкил этиш зарур. Ғўзани ривожланишдан орқада қолган участкаларда қўшимча агротехника тадбирларини амалга ошириш, хусусан ғўзани маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор бериш даркор.

Ғўзани ўз вақтида ва сифатли чеканка қилишга, машина теримига пухта тайёргарлик кўришга, ғўза дефолиациясини қўлай агротехника муддатларида асосан ерда ишлайдиган механизмлар ёрдамида ўтказишга, пахта далаларини бегона ўтлардан тозалаш йўли билан терим машиналарининг юқори унум билан тўхтовсиз ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратишга биринчи даражали аҳамият бериш керак.

Кенгашда сабзавот, картошка, мева ва узум ҳосилини йиғиштириб олиш суръатларини кучайтириш ва ана шу маҳсулотларни давлатга топшириш юзасидан белгиланган топшириқларни тезроқ бажариш зарурлиги таъкидланди.

Ҳамма хўжаликларда озуқа экинларидан, хусусан бедадан мўл ҳосил олиш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур. Эндиликда чорвачиликни ривожлантириш умумхалқ ишига айланди. Бу ишни шундай ташкил этиш керакки, токи у муттасил яхши самара берсин. Гўшт, сут ва тухум етиштириш тобора кўпайсин.

Жойларда физкультура ва спортни ривожлантиришга, турмуш маданиятини оширишга эътиборни кучайтириш лозим.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари пойтахт областининг барча қишлоқ меҳнаткашларини ғўза ва бошқа экинлар парваришини ҳар тарафлама кучайтириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш суръатларини ошириш йўли билан беш йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш учун курашни кучайтиришга даъват этиб, мурожаат қабул қилдилар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистон»нинг Тошкент область мухбири.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ҲИММАТ КЎРСАТАЙЛИК

Қадрли дугонам Ражаббика! Мен ҳам, сиз ҳам кўп йиллик тажрибага эга бўлган механизаторлармиз, республиканинг донгдор механизатори Турсуной Охунованинг биринчи издошларидамиз. «Пўлат от»лардан самарали фойдаланиб, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдамиз.

Мен сизга ўзаро мусобақалашишни таклиф қилар эканман, бу йилги мураккаб шароитда тажрибакор механизаторлар сифатида бизлар қийинчиликларни енгишда ва мўл ҳосил етиштиришда ўрнак бўлишимиз, ҳиммат ва жасорат кўрсатишимиз зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Республика партия ва ҳукумати Мурожаатида бизларга, яъни дала гвардиячиларига қарата айтилган қуйидаги илҳомбахш сўзлар кимни ғайратлантирмайди: «Шу кунларда ғўза парваришини, унинг ривожидаги қолоқликни тугатиш суръатларини кучайтириш сизларга боғлиқ. Биз сизларни бутун маҳоратингиз, билимингиз ва тажрибангизни, бутун сабот-матонатингизни ғўза қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида ўтказишга сафарбар этишга даъват этамиз».

Бу жанговар чақириққа амалий иш билан жавоб бериш, зарбдор йилда зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш — бизнинг муқаддас бурчимиздир. Социалистик мусобақадан мақсад ҳам шу. Биз ана шу катта мақсад йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдамиз.

Колхозимиз 1170 гектар пахта майдонига эга. Мамлакатга 5265 тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш, ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил йиғиб олиш — қатъий аҳдимиздир. Шу кунларда бутун куч-ғайратимиз ваъдага вафо қилишга, ғўзанинг ривожланишини кун сайини тезлаштиришга ва ҳосил нишоналарини кўпайтиришга қаратилмоқда.

Ҳозиргача ғўзаларга уч марта комплекс ишлов берилди, минерал ўғитларнинг деярли тўлиқ нормаси ва ҳар гектар майдонга ўн тоннадан ортиқ чиритилган гўнг солинди. Экин ўз вақтида қондириб суғорилиб, тупроқ етилиши билан чуқур культивация ўтказилаётир. Ғўзалар ёппасига гуллаб, кўсакка киряпти. Далалар бегона ўтдан тозаланган, ҳашарот тақалишига мутлақо йўл қўймаслик чораларини кўриляпти.

Мен ўзим ва ҳамкасбларим меҳнат қилаётган Сатор Қодиров, Сардор Отажонов, Қурбонбой Жуманиязов бошлиқ 60 центнерчи бригадаларда, айниқса, ғўзанинг ривожи тезлашиб, гулга-гул, кўсакка-кўсак қўшилмоқда. Ишга яроқли ҳамма далага отланиб, ғўзага ишлов беришда қатнашаётганлиги, техника тўла қувватда ва унумли ишлатилаётганлиги ғўза парваришидаги қолоқликни тез тугатиш имконини берди ва экинининг ҳосилга киришини жадаллаштирди.

Далаларнинг шавкатли гвардиячилари — азамат механизаторларнинг долзарб кунлардаги шонли меҳнати таҳсинга лойиқдир. Улар кечаю кундуз жонбозлик кўрсатишяпти. Ҳар бир механизмнинг юқори унумли ишлаши, культивация сифатли ўтказилиши, ҳар бир туп ғўзани авайлаб сақлаш мусобақанинг муҳим шартлари ҳисобланади. Культиваторнинг ишчи органларини тўлиқ ўрнатиб, культивацияни нормал кенгликда ва чуқурликда ўтказаётган, агротехника қоидаларига изчил риоя қилаётган моҳир механизатор Мадраҳим Аҳмедовнинг тажрибаси оммалаштирилди. Шогирдларим Жамила Раҳимова, Болтабика Бакиева, Гуласал Полвоновалар ҳам механизатор касбини улуғлашяпти. Мен уларга мураббийлик қилганлигим билан фахрланаман.

Колхозимиз механизаторлари бутун ҳосилнинг 98 процентини машинада теришга аҳд қилганлар. Мавжуд 40 та терим машинаси мавсумга тахт қилиб қўйилди. Ғўза парваришини машина теримига мослаб олиб бормоқдамиз. Мавсумда мен 350 тонна пахта теришга сўз бераман. Сиз ҳам қўл беринг, пахтачиликни комплекс механизациялашда ташаббус кўрсатайлик, зарбдор йилда зарбдорчасига ишлайлик!

Ҳалима ҲОШИМОВА,
Богот районидаги «Коммуна» колхозининг республикада хизмат кўрсатган механизатори.

ЎРНИМИЗ— ОЛДИНГИ САФДА

Ҳурматли ҳамкасбим Ҳалимахон! Ўзаро мусобақалашиш тўғрисидаги таклифингизни жон-дилдан қабул қиламан. Республика партия ва ҳукумати Мурожаатида таъкидлаб ўтилганидек, социалистик мусобақа — ўзаро талабчанлик, ўзаро ёрдам мактабидир. Мусобақа туфайли илғор тажрибаларни ўртоқлашамиз, ибратли ташаббусларнинг қанот ёзишига эришамиз. «Юзга айтганнинг заҳри йўқ» қабилида айрим камчиликларни кўрсатиб бериб, уни тугатишда бир-биримизга ёрдамлашамиз.

Бизни дала гвардиячилари деган шарафли ном билан аташади. Демак, гвардиячи эканлигимизни мардлар майдонида — пахта далаларида оқлашимиз, ҳамиша олдинда боришимиз керак. Дадил айта оламанки, колхозимиз механизаторлари барча дала меҳнатчилари билан елкама-елка тер тўкиб, ўз бурчларига садоқат намуналарини кўрсатишяпти. Табиий офатларнинг оқибатини тугатишда, ғўзанинг ривожини тезлаштиришда, ҳар хил ҳашаротларга қирғин келтиришда механизаторлар катта ғайрат кўрсатмоқдалар.

Бугунги кунда меҳнат ва қаттиқ курашнинг дастлабки самаралари кўз олдимизда намоён бўляпти: мўл ҳосил нишоналари жилва кўрсатиб, дилимизга қувонч бағишламоқда, кўпчилик майдонларда ғўза гуллади, тугунча ва кўсаклар кўпая бошлади. Июль ойидаги зарбдор меҳнат мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Культиваторлар икки сменада тўхтовсиз ишлатилиб, ғўза қатор оралари чуқур юмшатиляпти ва тупроқ майин, донадор ҳолда сақланяпти. Мослама-механизмлар билан минерал ўғит ғўнга аралаштириб берилгач, экининг амали юришиб кетди. Рўзимат Матжонов, Қутлимурод Олимов, Олланазар Ботиров каби оловқалб механизаторлар дала ишларида жадал суръат ва аъло сифатли таъминлаб, мусобақа илғорлари сафида бормоқдалар. Шогирдим Роза Матёқубова ўзим билан сменадош. Биз ишлаётган Зариф Раҳмонов бошлиқ бригаданинг бу йилги марраси — 60 центнер. Юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш учун астойдил курашмоқдамиз.

Колхозимиз ўтган йили 770 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил олиб, давлатга 3100 тонна пахта топширган эди. Бу йил ялпи ҳосил 3465 тонна, ҳосилдорлик 45 центнерга етказилади. 2100 тонна пахтани «зангори кема»лар билан йиғиб олиш кўзда тутилмоқда. Машина теримига ҳозирдан пухта тараддуд кўрмоқдамиз. Ғўзаларни машинабоп, калтабўғин, серҳосил қилиб ўстиряпмиз. Дала бегона ўтдан тоза. 13 та терим машинасини ремонт қилиш ниҳоясига етказилаётир. Кўпгина механик-ҳайдовчилар мавсумда 250—300 тоннадан пахта теришга сўз беришди. Мен эса сиздан қолишмасликка, ўзимга биркитилган агрегат бўйича кундан 350 тонна «оқ олтин» тўкишга ваъда бераман.

Бу йилги ҳосилнинг тақдирини техника ҳал қилади. Токи терим бошлангунча культивациялашни бўшаштирмай давом эттириш зарур. Айниқса, машина теримига ажратилган далаларда ғўза парвариши сифатига жиддий эътибор беришимиз керак. Бундай майдонлар бизда 550 гектарни ташкил этади. Ўрин Султонов, Шоҳабол Ҳамроев бошлиқ тўқайда жойлашган бригадаларда асосий ҳосил машинада терилади. Ғўзаларга комплекс ишлов бериш машина теримини кўзлаб ўтказилмоқда. Ишнинг сифати учун ҳар бир механизаторнинг масъулияти оширилаётир. Бош агроном Отабой Қурбонов, бош инженер Пўлдош Қулматов, сифат комиссияси аъзолари, бригада бошлиқлари ишнинг сифати устидан доимий назорат ўрнатганлар.

Мусобақалашиш, мажбурият қабул қилиш яхши. Аммо гап — ваъдага вафо қилишдадир. Биз пахтакорлик шарафини, механизаторлик касбини ҳалол меҳнатимиз, элга туҳфа қиладиган мўл «оқ олтин»имиз билан улуғлашга ва оқлашга қаттиқ бел боғлаганмиз.

Ражаббика САФАРОВА,
Урганч районидаги «СССР 50 йиллиги» колхозининг республикада хизмат кўрсатган механизатори, Ленин ордени кавалери.

ДЎСТЛИК НАМОЙИШИ

ОЛМАОТА, 1 август. (ТАСС). Кеча Қозоғистон пойтахтида СССР ва ВСР ёшлари дўстлиги ва бирдамлигининг IV учрашуви тамом бўлди. Бу учрашув совет ва вьетнам халқларининг, ҳар икки қардош давлат ёш авлодининг бирлиги ва қардошларча жипслигини кўрсатган ёркин намойишга айланди.

Ўзаро самимий дўстлик алоқалари ўрнатган ВЛКСМ ва Хо Ши Мин Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотлари вакилларининг учрашувлари жуда мароқли ўтди. Қардош шаҳарлар — Москва ва Ханой, Ленинград ва Хошимин, Донецк области ва Куанг-Нинь вилоятининг вакиллари самимий дўстона суҳбатлар вақтида ўз ишлари тўғрисида гапирдилар. Улар ҳамкорликни давом эттириш режаларини муҳокама қилдилар.

Қардош мамлакатлар ёшларининг дўстлик ва бирдамлик анжумани кечқурун СССР ва ВСР ёшлар союзлари вакилларининг Олмаота хиёбонлари ва кўчалари бўйлаб тантанали юриши билан тамомланди. Ленин номли майдонда ёшлар байрами ўтказилди.

ҲАЁТ ВА МЕҲНАТ МАКТАБИ

ЗАПОРОЖЬЕ, 1 август. (ТАСС мухбири). Кеча Запорожьеда мактаб ўқувчилари меҳнат бирлашмалари вакилларининг Бутуниттифоқ иккинчи слёти очилди. Ўқувчиларнинг энг яхши ишлаб чиқариш бригадалари намояндалари ана шу слётнинг коллектив делегатлари бўлишди. Болалар ўзларининг шонли меҳнатлари тўғрисида гапириб беради лар, оммавий касблар Бутуниттифоқ конкурсларида қатнашадилар. Ўқувчилар меҳнат бирлашмаларининг иш якунларини чиқарадилар.

Слёт қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Запорожье область партия комитетининг биринчи секретари М. Н. Всеволожский ана шу табрикномани ўқиб эшиттирди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов Советлар мамлакатининг ёш авлоди тўғрисида оталарча ғамхўрлик билан сўғорилган самимий табрикнома учун слёт қатнашчилари номидан Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди.

Ўқувчилар меҳнат бирлашмаларининг вакиллари тилларда достон бўлган ДнепроГЭС тўғони ёнидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Ҳар бир хат ортида инсон бор

Меҳнаткашларнинг хатлари — бу В. И. Ленининг таъбири билан айтганда чинакам инсоний ҳужжатлар — партиямизнинг омма билан чамбарчас алоқасини амалда рўёбга чиқаришнинг муҳим воситасидир. Кишиларни ташкилотлар ва муассасаларда шахсан қабул қилиш ана шундай алоқанинг энг оммавий турларидан бири, раҳбар кадрларни ҳам, олдий меҳнаткашларни ҳам тарбиялаш мактаби бўлиб хизмат қилади. 1 август куни Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари билан ишлашни ва гражданларни қабул қилишни янада такомиллаштириш йўллари кўриб чиқилди. Кенгашда область партия комитетларининг иккинчи секретарлари, умумий бўлимлари ва ташкилий-партиявий ишлар бўлимларининг мудирлари, бир қанча шаҳар ва район партия комитетларининг бўлим мудирлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, область халқ контроли комитетларининг ва республика касаба союз комитетларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков очди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети умумий бўлимининг мудири К. Т. Тоиров доклад қилди.

Докладда ва нутқларда таъкидлаб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитети партиянинг омма билан алоқасини доимо мустаҳкамлаб бориш ғоят муҳим эканлигини неча марталаб уқтирди. Партиянинг кейинги йиллардаги ҳужжатларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида, унинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларида ҳар бир совет муассасасида хатлар билан ишлаш учун мажбурий бўлган ленинча қоидалар батафсил кўрсатиб берилган. Хатларни эътибор бериб тезлик билан кўриб чиқиш, зарур чораларни кўриш, уларнинг бажарилиши устидан қаттиқ контрол ўрнатиш, натижалар тўғрисида авторга хабар қилиш, хатлар билан ишлашни уюштириш учун раҳбарларнинг шахсий масъулияти шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда республикада хатлар билан ишлашни ва гражданларни қабул қилишни яхшилаш борасидаги тадбирларни планлаштириш практикасининг жорий этилганлиги кенгашда ижобий баҳоланди. Хатлар жамоатчилик фикрини чуқур ўрганишга ёрдам беради, улардан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область партия комитетларининг бюроси ва секретариати мажлисларига материалларни тайёрлашда фойдаланилади. Улуғ Ватан уруши инвалидларининг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг хатлари ва оғзаки мурожаатларига алоҳида эътибор берилмоқда. Самарқанд ва Фарғона область партия комитетлари, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари, бир қанча министрликлар ва идоралар хатлар билан ишлашда фойдали тажриба тўпладилар.

Шу билан бирга гражданларининг хатлари ва оғзаки мурожаатларини билан ишлашни йўлга қўйиш КПСС XXV съезди талабларига, партиянинг меҳнаткашлар талаб ва эҳтиёжларига эътибор билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги йўл-йўриқларига ҳали тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Кишилар кўпинча маҳаллий органлар ўзларининг компетенциясига тааллуқли масалаларни ҳал этмаётганлигидан шикоят қилмоқдалар. Қорақалпоғистонда, Жиззах, Қашқадарё областлари ва бошқа областларда хатларни кўриб чиқишнинг қонунда белгиланган муддатларини бузиш фактлари мавжуддир. Меҳнаткашлар шиноят қилишаётганидек, қонунчиликни бузган кишиларга нисбатан принципсизликка йўл қўйилаётган ҳоллар бор. Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигида, граждан авиацияси бошқармасида, коммунал хўжалиги министрлигида ва бошқа бир қанча ташкилотларда гражданларни қабул қилишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Кенгашда ижобий тажрибани кенг оммалаштиришнинг муҳимлиги ҳам, шунингдек меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлаш ва гражданларни қабул қилиш каби муҳим ишда расмиятчилик, бюрократизм, сансалорлик кўринишларига қарши курашнинг зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети хатлар бўлимининг мудири Б. П. Яковлев кенгашда нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЯГОНА ОИЛА ТУЙҒУСИ

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб қилган докладида Л. И. Брежнев бундай деган эди: «Совет социалистик маданияти миллий формаларининг хилма-хиллигида умумий, интернационал белгилар тобора кўпроқ сезилмоқда. Миллий белгилар бошқа қардош халқларнинг ютуқларидан тобора кўпроқ наф кўриб, кўпаймоқда. Бу — ривожланиб борувчи жараёндир. Бу жараён социализм руҳига, мамлакатимиздаги барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Миллий тўсиқларни писанд қилмайдиган ва барча меҳнат аҳлларига баб-баравар хизмат қиладиган янги, коммунистик маданият негизлари айни шу зайлда вужудга келтирилмоқда».

Бу айтилган гаплар совет адабиётига ҳам мос тушади. Совет адабиёти аввал бошданоқ кўп миллатли адабиёт сифатида қарор топди. Улуғ Октябрь мамлакатимизнинг барча миллатлари ва элатларига ўз маданияти ва санъатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Тўғри, 20—30 йилларда СССР халқларининг кўп адабиётлари юксалишнинг кенг йўлига эндигина чиқиб олган эди. Чунки уларнинг баъзилари Октябргача ҳатто ўз ёзувларига ҳам эга эмас эди. Аммо фольклор бойликларини ҳамда кўп асрлик анъаналарга эга бўлган адабиёт тажрибасини ижодий ўзлаштириш уларнинг илдам суръатлар билан ривожланишига имкон берди. Ўша пайтда рус сўз санъаткорлари ёш адабиётларга актив ёрдам кўрсатдилар.

Ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ биринчи съезди ягона совет кўп миллатли адабиёти вужудга келганлигини бутун дунёга намойиш қилди. Съездга кўпгина ҳорижий мамлакатлардан меҳмонлар келган эди.

Съезд, шунингдек, социалистик реализм адабиёти бўлган совет адабиётининг ягона ижодий методини назарий жиҳатдан ҳам асослаб берди. Социалистик реализм методи сўз санъаткорларининг барча бадиий ранг-баранглигини, манфаатлари ва услубини ўзида мужассамлантириб, ўз ижоди билан халқ ишига, социализм ғояларига хизмат қилишни умумий мақсад қилиб қўйди.

Қардош республикалар авторларининг китобларини рус тилига, шунингдек рус ёзувчилари асарларини СССР халқларининг бошқа тилларига таржима қилиниши кўп миллатли совет адабиётининг интернационал бирлашувига кўп жиҳатдан ёрдам берди. Жаҳонда энг яхши совет таржима мактаби вужудга келди.

Совет ёзувчиларининг миллий ўзига хослигини сира чекламаган ҳолда дунёқараш, мақсад ва интилишларининг бирлиги адабиётимиз интернационал характерининг шаклланишига ҳаммадан кўпроқ имкон бермоқда. Бу адабиёт ўзини ташкил этувчи барча қардош адабиётларнинг энг яхши муваффақиятларини ўзида мужассамлантириб, жаҳон адабиёти тажрибаси билан ҳам чамбарчас боғлангандир. М. Горький ўз ҳамкасбларини рус классикларидан ҳам, бошқа халқларнинг прогрессив санъаткорларидан ҳам ўрганишга даъват этган эди. Кўринишдан афсонадек бўлиб туюлган ғоя — жаҳон ёзувчиларининг энг яхши асарлари сериясини нашр этиш ғоясини бошқа биров эмас, балки М. Горький илгари сурган эди. Эндиликда бу ғоя амалга ошди. Мамлакатимизда нашр этилган Жаҳон адабиётининг 200 томлиги меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга, уларда кенг эстетик дидни шакллантиришга хизмат қилади.

Интернационализм мавзуи, бошқа халқларнинг кураши ҳамда бирдамлик мавзуи, кўп миллатли мамлакатимиз турли халқларининг ўз социал озодлиги учун кураши мавзуи совет адабиётининг асосчилари — М. Горький, В. Маяковский, М. Шолохов, А. Фадеев, Н. Тихонов, Я. Купала, С. Айний, Ҳамза, С. Сейфуллин, С. Вурғун, Г. Табидзе ва бошқаларнинг асарларида ўзининг муносиб бадиий ифодасини топди. Халқларимизнинг биринчи беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тинч қурилиш йилларидаги меҳнатдаги ва жанговар қардошлиги Л. Леонов, Ф. Гладков, М. Шагинян, К. Лордкипанидзе, А. Корнейчук, В. Лацис, Б. Кербобоев, К. Яшин, Ш. Рашидов, О. Гончар, Ч. Айтматов, Ҳ. Ғулом, Й. Авижюс, Р. Гамзатов, К. Кугеев ва бошқа кўп адибларнинг асарларида ўз ифодасини топди.

Табиийки, адабиётимиздаги интернационализм ва миллийлик проблемаларининг муносабати, адабиётимизнинг ижодий методи бўлган социалистик реализм проблемаларини ёритиш совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг диққат марказида турибди. В. Озеров, Г. Ломидзе, М. Пархоменко, Л. Якименко, Л. Новиченко, А. Метченко, А. Овчаренко, Ю. Суровцев, З. Кедрина, А. Адамович, А. Бучис, Л. Мкртчян, С. Асадуллаев ва бошқаларнинг асарларида кўп миллатли совет адабиётининг ғоявий бирлиги, унинг интернационал характери ҳар бир адабиётнинг ўзига хослигини, бадиий услуб ва усулларининг хилма-хиллигини асло инкор этмаслиги ишонарли тарзда кўрсатиб берилган.

Мамлакатнинг турли республикалари ва ўлкаларида ўтказилаётган Адабиётлар кунлари, турли адабий байрамлар ёзувчиларимизнинг бир-бирларини ўзаро билишига ва дўстлашишига кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Бу йил Украинанинг Россия билан қайта қўшилганлигининг 325 йиллиги кенг нишонланди. Рус ва украин халқлари тарихий тақдирининг муштараклиги кўп ёзувчиларни қизиқтиради. Рус ва украин халқларининг тарихий бешиги бўлган Киев Руси ҳақида П. Загрибельнийнинг «Киевдаги ўлим» ва «Евпраксия» романлари ҳикоя қилади. Рус ва украин халқларининг социал озодлик учун биргаликда олиб борган курашини М. Олейникнинг «Пролог» ҳамда В. Канивецнинг «Башорат» романлари тасвирлайди.

Яқинда Арманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқлари Россия составига қўшилганлигининг 150 йиллигини нишонладилар. Бу халқлар Усмоний султонлари ва Хива хонларининг сиқувидан қаттиқ жафо чеккан эди. Арманлар ва қорақалпоқларнинг Россия билан узоқ асрларга бориб тақалувчи алоқаси илдизлари, уларнинг рус халқи билан иттифоққа тарихий прогрессив интилишлари С. Ханзадяннинг «Мхитар спарапет» ва Т. Каипбергеновнинг «Гумроҳлар» романларида тасвирлаб берилган.

Совет кишилари интернационализмининг мустаҳкамлилиги Улуғ Ватан уруши йилларида қаттиқ синовдан ўтди ва бу ҳол адабиётимизда ўз ифодасини топмай қололмади. Нева бўйидаги шаҳар ҳимоячиларининг жасурлигига қойил қолган миллион-миллион кишилар ўша кунларда қозоғистонлик оқин Жамбулнинг «Ленинградликлар, фарзандларим!» асари сатрларини такрор-такрор ўқидилар. Етим қолган минг-минглаб болаларнинг қулоғи остида узоқ Ўзбекистондан Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри янгради.

Уруш йилларида Ўзбекистон ота-оналари Ватанни ҳимоя қилишда ҳалок бўлган юз мингга яқин гўдакларни ўзининг қайноқ бағрига олди. Бундай фидойилик жасоратини, инсонпарварлик чўққисини тарих ҳали билмаган эди! Ўзбек адиби Р. Файзий ҳужжатли асосда ёзган «Ҳазрати инсон» романида ўз халқининг ҳақиқий қаҳрамонларидан бири — уруш йилларида турли миллатларга мансуб 15 гўдакни ўз тарбиясига олиб, вояга етказган оддий темирчи ҳақида ҳикоя қилиб берди. М. Магауиннинг «Бир отанинг болалари» қиссаси ҳам шу мавзуга бағишланган бўлиб, унда мамлакатнинг турли республикаларида етим болаларни фарзандликка олган қозоқ колхозчилари ҳақида ҳикоя қилинади.

М. Магауиннинг қиссаси, гарчи реал фактларга асосланган бўлса ҳам, бадиий асардир. Г. Марьяновскийнинг яқинда босилиб чиққан «Тақдирлар китоби» ҳам ҳужжатли қиссадан иборат. Автор Ўзбекистонга эвакуация қилинган минг-минглаб етим болаларни қутқариб қолган, ўзининг қайноқ бағрига олган кишилар ҳақидаги ажойиб фактлар ва ҳужжатларни тўплаган.

Совет кишиларининг интернационал жипслиги, уларнинг беқиёс қатъияти жанг майдонларида, партизан ўрмонларида, подпольеда немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда алоҳида куч билан намоён бўлди. Гитлерчиларнинг ҳарбий доктринаси Совет давлати уруш бошланиши биланоқ миллатлар ўртасидаги ички низолар кескинлашиб кетиши натижасида вайрон бўлади деган фикрга асосланган эди. Фашистларнинг мўлжали рўёбга чиқмади. Кўп миллатли совет халқи босқинчилар олдида ўтиб бўлмас бир бутун девор бўлди. Бу мавзу Улуғ Ватан уруши ҳақидаги бутун адабиётимизнинг диққат марказида турибди. Бугунги кунда ҳам турли миллат кишиларининг жанговар ҳамдўстлигини Г. Баклановнинг «Ҳамиша ўн тўққиз ёшлилар» повестида ҳам, А. Рекемчукнинг «Нафосат ёши» романида ҳам кўриш мумкин. «Арий» олий ирқига мансуб кишиларнинг кичик бир шаҳарча аҳолисига қилган ваҳшийлиги ва ёвузлигини А. Рибаков «Оғир қум» романида тасвирлайди. Ашаддий ёвуз душман олдида қуролсиз қолган турли миллат кишилари фашизмга қарши курашчиларнинг бир сафидан ўрин оладилар. А. Рибаков, Г. Бакланов, А. Рекемчук ва бошқа авторларнинг асарлари (биз сўнгги вақтларда журналларда эълон қилинган асарлар ҳақида фикр юритяпмиз) ўтган урушда мамлакатимизнинг турли миллатларига мансуб бўлган рус, украин, белорус, арман, яҳудий, татар халқлари фарзандларининг матонати, жасорати ва қатъияти ёрқин ва бадиий ишонарли тарзда ёритилган.

Инсоният турли халқлар вакилларининг дўстликка садоқати ҳақида озмунча ажойиб мисолларни билмайди дейсиз — лекин ўтган уруш йилларида мамлакатимиз қардош халқлари кўрсатган қатъият, оммавий бирдамликни дунё ҳали ҳақиқатан ҳам кўрмаган эди. Дарвоқе, бундай қаҳрамонлик фақат уруш синови йилларидагина бўлмайди. Ўз озодлиги ва бахт-саодати учун курашаётганлар билан қардошларча бирдамлик кишиларимиз қалбида ҳамиша яшаб келаётганлигини ҳаёт исботлаб турибди.

Яқинда телевидениеда «Тугалланмаган репортаж» деган ҳужжатли телефильм намойиш қилинди. Унда Ивановодаги интернационал уй ҳақида ажойиб тарзда ҳикоя қилинади. Йўқ, бу давлатнинг уйи эмас, бу уйда оддий рус оиласи 30-йиллардан бошлаб ота-оналари ё Франко режимининг, ё Гитлер режимининг, ёхуд уларнинг бугунги меросхўри Пиночетнинг қурбони бўлганларнинг фарзандларини тарбиялаб, вояга етказади. Катта оилавий дастурхон ёнида етим қолган мазлум африкалик, чилилик болалар ва уларни ўзининг қайноқ бағрида тарбиялаётган оналарни кўриб ҳаяжонланмаслик мумкин эмас. Улар бу аёлларни она деб аташади!

Кубандаги совхозда Чили муҳожирлари ўзларининг янги ватанларини топдилар, бу ерда ўзларини бошпанасиз келгиндилар эмас, балки тенг ҳуқуқли гражданлар деб ҳис этиш имкониятига эга бўлдилар! Улар бу ерда рус комбайнчилари, тракторчилари билан биргаликда ғалла етиштириб ва уни ўриб-йиғиб олиб, биргаликда меҳнат қилмоқдалар. Булар интернационал ёрдам ва қардошлик намуналари эмасми? Булар ҳамон Ер куррасида йўқ қилиб ташланмаган ва шу боисдан хавф солиб турган фашизм олдида меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги ҳақида ҳикоя қилиб бермайдими?

Интернационал мавзу ҳозирги замон материаллари асосида ҳам ғоят актив ишлаб чиқилмоқда. Литва адиби Ю. Пожер ўзининг Эвенк ва Чукоткага қилган саёҳатлари ҳақида ёзган очеркларида бу жойларнинг матонатли, очиқ кўнгилли, саховатли кишилари ҳақида меҳр-муҳаббат билан ҳикоя қилади. Беминнат ва олижаноб шундай кишининг ёрқин характери Виктор Астафьевнинг «Шоҳ-балиқ» асарида яратиб берилган. Тайга ўрмонида яшовчи овчи Акимка образи асарга асос қилиб олинган. Донишманд корейс мўйсафиди До Хок-ро ва гўзал Масиконинг романтик образларини ёш адиб Анатолий Ким ўзининг «Гиёҳ йиғувчилар» асарида яратди. Ёш ёзувчи Анна Неркаги ўзининг «Ного авлодидан чиққан Анико» дастлабки қиссасида рус геологларининг буғибоқар ненецлар билан дўстлигини қайноқ сатрларда ёзди. Н. Шундикнинг «Оқ шаман» романи Совет ҳокимияти туфайли Чукоткада содир бўлган янгиликлар ҳақида ҳикоя қилади. Адабиётимизнинг интернационализмини ҳаётнинг ўзи, совет жамиятининг руҳияти тақозо этади. Бугунги кунда БАМ, КамАЗ, Қорақумда, Сибирь, Озарбайжон ва Бошқирдистоннинг нефть конларида — улкан Бутуниттифоқ қурилишларида турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар. Бу қардошларча меҳнат бирдамлиги муҳити совет ёзувчиларининг китобларида ҳам акс этиши табиийдир. Ш. Бикчуриннинг «Қаттиқ жинс» романи, А. Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат» повести, Е. Евтушенко, Э. Межелайтис ва бошқаларнинг шеърларида мана шулар ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда совет ёзувчилари бепоён Ватанимизнинг турли ўлкаларига борганларида бир-бирлари ҳақида, бошқа республикаларнинг халқлари ҳақида мумкин қадар кўп нарсаларни билиб олиб, ана шу кўрганларини ўз китобларида ҳикоя қилиб беришга интилмоқдалар. Украин В. Коротич билан латиш И. Зиедониснинг ҳозирги Тожикистон ҳақида ҳикоя қилувчи «Перпендикуляр қошиқ» китоби худди шу тариқа вужудга келди. Ниҳояти ўн процент текислик ери бўлган бу тоғ республикасининг истиқболи тилга олинади. Вахш ва Норакдаги улкан қурилишларда ўнлаб миллатларнинг вакиллари меҳнат қилмоқда, тоғлик қишлоқларнинг аҳолиси водийларга кўчиб келмоқда, янги-янги ерлар ўзлаштирилмоқдаки, буларнинг ҳаммаси кўҳна замин қиёфасини ҳам, одамларнинг психологиясини ҳам ўзгартирмоқда. У ердаги ишлар ва ташвишлар бутун мамлакатнинг иши ва ташвиши бўлиб қолган. Ю. Акобиров ва М. Хўжаевнинг романларида ҳам ана шу кишилар ҳақида сўз боради.

В. Петросяннинг «Арман эскизлари» асари В. Коротич билан И. Зиедониснинг китобидан фарқли ўлароқ муаллифнинг киндик қони тўкилган жонажон диёри ҳақидаги ўй-фикрларга бағишланган. Бу ўй-фикрларда бир вақтлари арман халқи қисматига тушган аччиқ ва фожиали тақдир ҳақида ҳам сўз кетса-да, унда ўз миллатини бошқа халқларга қандайдир қарама-қарши қилиб қўйиш ҳоллари мутлақо йўқ. Автор Арпа-Севан туннели қурилишини тасвирларкан, «арман қардошига Севаннинг бир вақтлардаги қудрати ва гўзаллигини қайтариб бериш»да қонда арманлар билан бир сафда руслар, украинлар, белоруслар меҳнат қилаётганлигини ҳикоя қилади.

Совет адабиёти ўтмишдаги миллатлараро алоқаларни кўрсатиб бериш учун энг тўғри компасга эга. Бу компас — тарихий воқеалар ва жараёнларга синфий ёндашишда, миллий характерни тасвирлашда конкрет тарихий ёндашишнинг ленинча принципидир. Ҳар бир миллатда икки маданият бўлиши тўғрисидаги ленинча таълимот бирон-бир хатоликка йўл қўймасликда, тарихий воқеликни билиб-билмай бузиб кўрсатмасликда ёзувчига ёрдам беради.

Литва адиби Ю. Балтушис «Уқубат» повестида биринчи жаҳон уруши йилларида ота-онаси билан Россиянинг шаҳар ва посёлкалари бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юрганлигини ҳикоя қиларкан, оддий меҳнаткашлар — руслар, татарлар, қозоқларнинг бирдамлиги ва ўртоқларча ғамхўрлигига доир жуда кўп мисоллар келтиради. Азоб уқубатдан обдон эзилган ишчилар умумий золимларга қарши елкама-елка туришга шай бўлишади.

Маълумки, совет кишиларининг қардошлиги украин шоири Павло Тичининг «Ягона оила туйғуси» деган машҳур шеърида ўзининг назмий ифодасини топган. Бу ибора жуда аниқ топиб айтилган — интернационализм бизда шунчаки англаш формаси, эътиқодгина бўлиб қолмай, айни туйғуси бўлиб қолди. Кўп миллатли совет адабиёти қон-қони билан шу туйғу билан ўсиб, камол топмоқда.

Чет элларда ҳам бизнинг адабиётимизни инсонга меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром билан тўлиб-тошган, энг инсонпарвар адабиёт сифатида биладилар. Чунончи, ГДРлик машҳур адабиётчи Вилли Байтц: «Биз Совет Иттифоқи ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг интернационал роли ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида комил ишонч билан намоён бўлаётган бир пайтда яшаяпмиз.. Шу муносабат билан социализм мамлакатларида социал инсонпарварликнинг, дунёни тушунишимизнинг актив омили бўлган адабиёт ва санъатнинг муваффақиятлари роли ҳам ортиб бораверади» деб ёзган эди.

(«ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА»нинг 1979 йил 30-сонидаги редакцион мақола).

Намангандаги КПСС XXV съезди номли аврли газламалар комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Уларнинг бир нечаси давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. Бунда сифат учун кураш жонкуярларининг муносиб улуши бор.

Суратда: Матлуба Иномова газламанинг сифатини текширмоқда. Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

УМУМХАЛҚ ИШИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА МАКТАБЛАР ҚУРИЛИШИ ВА РЕМОНТИ НЕГА КЕЧИКТИРИЛМОҚДА!

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг тарбияланиши, ўқиши ва умуман камол топиши учун тобора қулай шароит яратилмоқда. Мактаб қурилиши ва улардаги таълим-тарбия иши бизда ҳамиша умумхалқ иши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлод билим чўққиларини чуқур эгаллаши ҳақидаги оталарча ғамхўрлигини Қорақалпоғистон Автоном Республикаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўнинчи беш йилликнинг уч ярим йили мобайнида бу ерда салкам 29 минг ўринли 60 та мактаб қуриб битказилди. Жумладан, Хўжайли шаҳрида 1176 ўринли, Мўйноқ, Нукус, Шуманай, Элликқалъа ва бошқа районларда ҳар бири 624 ўринли ўрта мактаблар ишга туширилди. Автоном республиканинг шаҳар ва район марказларида, совхоз ва колхозларида умумтаълим муассасалари қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Шундай бўлса ҳам қурилиш ишлари кўлами ва сифатини ҳозирги кун талабларига тўла жавоб беради, деб айтиш қийин. Нукус, Хўжайли, Тахиатош, Беруний, Қўнғирот шаҳарларидаги айрим мактабларда ўқиш ҳамон уч сменада олиб борилмоқда. Ана шу шаҳарларда қўшимча равишда мактаблар ва синфхоналар қурилишини тезлаштириш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда. Аммо шу муҳим иш ҳам баъзи жойларда пайсалга солинаётир. Тахиатош шаҳрида 1568 ўринли мактаб қурилиши ҳар хил баҳоналар билан кечиктириб юборилмоқда. «Тахиатошгидроэнергострой» қурувчилари бу ишга ажратилган бир миллион 244 минг сўмдан ўтган йили фақат 209 минг сўмини ўзлаштирганликлари, бу йил эса олти ой мобайнида 700 минг сўм ўрнига атиги 212 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарганликлари ҳақли равишда ташвиш уйғотмоқда.

Автоном республика пойтахтида янги мактаблар ва қўшимча синфхоналар қурилиши ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда. 166-қурилиш тресги раҳбарларининг айби билан Ботаника боғининг орқасидаги 1568 ўринли, Зелёная кўчасидаги 1104 ўринли мактаблар қурилишида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Қурилишга ажратилган маблағлар йил сайин ўзлаштирилмай қолмоқда. Амударё районининг «М. Горький номли совхоз территориясидаги 624 ўринли мактаб қурилишида шу йилнинг биринчи ярмида қурилиш-монтаж ишлари плани 43 процент бажарилганлигини айтиш кифоя. Нукус шаҳридаги Бердақ номли, Киров номли ўрта мактабларнинг ҳар бири қўшимча синфхоналар қурилиши ҳисобига 480 ўринга кенгайтирилиши керак. Уларни барпо этиш «Ресколхозстрой», «Каракалпакводстрой» трестларининг қурувчилари зиммасига юклатилган. Афсуски, бу объектларда ҳам иш яхши эмас, қурувчилар бир кун ишласа, ҳафталаб, ўн беш кунлаб кўринмайдилар.

Кўпгина мактабларда ишлаб чиқариш устахоналари, ошхоналар, спорт заллари барпо этиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, шундай объектлар Хўжайли шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли ўрта мактабда тўрт йилдан бери, Карл Маркс номли мактабда эса икки йилдан бери битмайди. Қизиғи шундаки, ҳар иккала объект ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик даврида Хўжайли район партия комитети ва район ижроия комитети мажлисларида алоҳида тилга олинади, бинокорлар ишни тезлатишга сўз беришади. Аммо ваъдалар ваъдалигича қолиб кетаверади. Бундай аҳвол сабабини билиш мақсадида Қорақалпоғистон АССР ремонт-қурилиш трестига бордик. Трест бошқарувчиси О. Мустафин бизни истамайгина қарши олди. Нима учун қурилиш кечикаётгани, қурилиш материаллари етказиб беришда кимлар сусткашлик кўрсатаётгани хусусидаги саволларимизга жавоб беришни ҳам истамади.

— Тегишли бўлимлардан истаганингизча материал олаверинг!

У шундай деб, чиқиб кетганича қайтиб кабинетига кирмади. Нуфузли қурилиш идораси раҳбарининг бу ҳаракатига сира тушунолмадик. Эҳтимол, унинг ана шундай «методи» сабаб бўлиб, объектларда қурилишлар судралаётгандир?

Шу ўринда Автоном республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Ўзплодоовощвинпром» бирлашмаси, қоракўлчилик тресги ҳамда бошқа министрлик ва идоралар йўли билан бунёд этилаётган мактаблар, синфхоналар, ишлаб чиқариш устахоналари, спорт заллари қурилишлари кечиктириб юборилаётганини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бу камчиликларни тугатишда, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда манфаатдор министрлик ва идоралар яқиндан ёрдам берсалар айни муддао бўларди. «Тахиаташгидроэнергострой» бошқармаси (бошқарувчиси Б. С. Личагин), 166-қурилиш тресги (бошқарувчиси В.Т. Стефанюк), «Ресколхозстрой» тресги (бошқарувчиси Э. Тайибоев) ва бошқа қурилиш ташкилотлари кўркам мактаблар, ёруғ ва шинам синфхоналар, ажойиб спорт заллари ва комплекслари қуриб бериб, жажжи ўғил-қизларимизни Халқаро болалар йилида албатта хурсанд этадилар, деб умид қиламиз.

О. АЛИЕВ.
«Совет Каракалпакстани» газетасининг бўлим мудири.

Ҳ. САФАРОВ.
«Жас ленинши» газетасининг бўлим мудири.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

ТЕХНИКА ТАХТ

Сурхондарё области пахтакорлари республика партия ва ҳукумати Мурожаатига жавобан ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар. Ҳосилга-ҳосил қўшиш билан бирга машина, механизмлар мавсумга шай қилиб қўйилапти. Бу соҳада Шеробод райони механизаторлари бошқаларга намуна кўрсатишмоқда.

Райондаги «Партия XXV съезди» совхозининг механизаторлари барча техника воситаларини йиғим-терим мавсумига тайёрлаб қўйганликлари ҳақида рапорт беришди. Бу йил хўжаликда ҳосилнинг 90 процентини «зангори кема»ларда териладн.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам техника ремонти тез суръатлар билан олиб борилмоқда. «Гулистон», «Октябрь 60 йиллиги» совхозларида агрегатларнинг кўп қисми далага чиқариш учун тайёр қилиб қўйилган.

ЯНГИ ЗАВОД

Тўрақўрғондаги қуруқ мева заводида янги цех қуришга киришилди. Беш йилликнинг охирига бориб шу цех туфайли ҳар йили илгаридагига қараганда 6 минг тонна кўп маҳсулот бера олади.

Наманган областида қуруқ мева тайёрлайдиган корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда. Айни вақтда улар реконструкция қилиниб, цехларда янги линиялар ишга туширилмоқда. Тўрақўрғондаги корхона консерва заводи филиали асосида бундан 6 йил илгари барпо этилган эди. Шу йиллар мобайнида ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилди.

Корхона коллективи беш йиллик планига қўшимча равишда 1,6 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилиш учун бутун куч-имкониятни ишга солмоқда.

КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

ХАЛҚ ЯРАТГАН ДАРЁ

Катта Фарғона канали қурилганига 40 йил бўлди. Халқимиз бу ноёб иншоотни кетмон билан қазиб, ҳашар усулида қурган. Ёзувчи Саид Аҳмад халқ яратган дарё ҳақида ажойиб роман ёзди, уни меҳр билан «Қирқ беш кун» деб атади. Севимли ёзувчининг таъкидлашича, Катта Фарғона канали машҳур Панама каналидан уч ярим баравар, Сувайш каналидан икки баравар катта. Сувайш икки ярим минг йил давомида қуриб битказилди. Панама ўттиз олти йилда, Фарғона канали эса қирқ беш кунда қурилди. Бундай ялпи қурилишни ҳали тарих кўрмаган эди.

Халқимиз қадим-қадимдан буён ҳашар усулида жуда кўп иншоотлар барпо қилган. Катта Фарғона канали қурилишига қўл уришдан аввал Логон каналини қазиб «репетиция» қилиб кўрилди. Логон канали жуда тез қурилиб, ишга туширилди. Фарғона канали қурувчилари ана шу ажойиб ҳаракатга суяниб иш бошлади. 160 минг киши кетмон кўтариб канал қурилишига чиқди.

— Каналга йўл олганларнинг оёқлари остидан кўтарилган чанг уч кунгача водий осмонидан тарқаб кетолмай турганди. Тўй-томошага чақирса ҳам шунчалик одам йиғилмасди, — деган эди лутумбеклик Умрзоқ Раҳимов каналнинг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда. — Ким билади, агар одамлар танлаб, саралаб олинмаганда бутун водий канал трассасига кўчиб чиқармиди!..

Бу одам машҳур сепоячи, ярим умри дарёларга сепоя солиб, сув чиқариш билан ўтган. Сепоячилик унга ота касб. Ўша ўттиз тўққизинчи йилда Катта Фарғона канали трассасига чизиқ тортганлардан бири шу киши. Учкўргон даштида отда юриб оҳак сепиб, канал трассасини кўзга кўрсатганлардан... Норинлик Дўнан полвон Дўсматов, унинг мусобақадоши Боймат Бойбобоев, хўжаободлик Жўра полвон Ғойибов, избосканлик Ўсар полвон Ботиров, мойгирлик Полвон Қозоқов, асакалик Тожимат Ҳидиров ва бошқа маиман деган полвонлар канал трассасида қаҳрамонлик намунасини кўрсатишган.

Уларнинг довруғи кўп кишиларни ҳайратга солган. Не-не полвонлар канал қурилишида уларга бас келолмай доғда қолишган. Дўнан полвон билан Боймат полвон каналда мусобақалашиб ишлаб рекорд қўйган, орден олишган. Шахсан Ўсар полвон учун Ҳалимахон ашула айтиб, Мукаррамахон ўйнаб берган кунлар кўп бўлди. Бу ўринда канал қурилишининг ажойиб ташкилотчиларидан бири, марҳум Бузрукхўжа Усмонхўжаевнинг катта бир йиғинда айтган гапини эслаш жоиздир: «Ўсар полвон ҳар томонлама полвон эди. Пахтада ҳам, каналда ҳам, курашда ҳам кураги ер искамаган. Аввал колхозда раислик қилиб, рекорд қўйиб юрган эди. 1936 йилда Тошкентда ўтган катта пахта тўйида довруқли Паттоҳ полвон деган билан курашга тушиб биринчиликни олиб келган. Катта Фарғона каналида бўлса, энг оғир участка шуларга тушган. Тош-шағалли тепани 30 метр кесиб канал ўзанини ўтказишган. Бу участкада 190 чоғли одам бир ерга шағал ташиб бериб турар, Ўсар полвон бўлса белкуракда уни тепага отарди. Яна кечга бориб чарчадим демай тош кўчиришга тушиб кетарди...»

Доҳий Ленин орзу қилган оммавий қаҳрамонлик Катта Фарғона канали қурилишида рўёбга чиққан эди. Республикадаги энг яхши медицина ходимларидан 700 киши канал ишига жалб этилганди. Беш юз қирқ икки медпункт ишлаб турди. Уч юз саксон кўчма аптека бу ҳисобга кирмайди. 260 «тез ёрдам» машинаси трассадаги медпунктлар ихтиёрига берилган эди. Республика соғлиқни сақлаш халқ комиссари бу ишларга шахсан раҳбарлик қилиб турган. Ботқоқлик, шоликорлик зоналарида безгакка қарши чоралар кўрилган.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг етакчи санъаткорларидан икки минг киши трассаларда ўз талантлари билан қурувчиларни мамнун қилишган. Колхоз ва совхозларнинг ҳаваскор санъаткорлари, созанда ва хофизлар, аскиячи, қизиқчилар тушлик пайтларида, кечқурунлар томошалар кўрсатиб туришган. 2 минг 509 савдо тармоғи қурувчиларга ҳар 10 кунда 35 миллион сўмлик мол сотган. Канал битгунга қадар эса 1 минг 650 вагон мол сотилган...

Бу рақамлар ҳар қандай баландпарвоз гаплардан қудратли ва рад қилиб бўлмас фактлардир. Халқ ҳашарига чиққан бир юз олтмиш минг киши 16 миллион 734 минг кубометр тупроқ ишларини бажарди. Учқўрғондан Конибодомгача бўлган 270 километрлик Катта Фарғона канали 45 кунда тўла қазиб бўлинди...

Катта Фарғона канали водий деҳқонларига бахт келтирди. Канал шарофати билан қирқ йил ичида водийда сувга ташна бўлиб ётган 153 минг гектар ер ўзлаштирилди. Бу салкам бир областнинг ерига тенг. Шу кечакундузда Катта Фарғона каналидан водийнинг 355 минг гектардан ортиқ ери сув ичмоқда. Ялпи ҳосилда ҳам катта ўсиш рўй берди. Фарғона ва Андижон областлари йилига бир миллион тоннадан ортиқ «оқ олтин» топшириб турибди. Катта Фарғона канали 40 йил ичида водий далаларига 140 миллиард кубометр сув бериб, эвазига миллион-миллион тонна пахта, дон, мева ҳадя этди. Канал атрофида барпо этилган боғ-роғлар, жаннатмакон қишлоқларни айтмай қўя қолайлик. Бўз, Комсомолобод, Охунбобоев, Задарё районлари Катта Фарғона канали қурилгандан кейин туғилди.

— Ҳозир каналдан дастлабки вақтдагидан салкам уч баравар кўп сув оқиб ўтяпти, — дейди Катта Фарғона канали Куйганёр тўғонининг бошлиғи Тожиддин Ҳакимов. — 1940 йили каналдан 2,2 миллиард кубометр сув ўтган эди. Бултур водийга 6 миллиард кубометр сув берди. Катта Фарғона канали Нориндан секундига 420 кубометр, Қорадарё ва Сўхдан 120 кубометр сув оляпти. Куйганёр тўғонининг ўзидан Фарғона далаларига 201 кубометргача сув ўтиб турибди. Дастлаб эса 100 кубометр атрофида сув ўтарди.

Канал аввалгидан анча кенгайтирилди. Норинга тўғон ташланди. Куйганёр тўғони қайта қурилди. Асакасой устидан канал сувини олиб ўтадиган темир-бетон нов қўйилди. Канал 270 километрдан 356 километрга узайтирилди. Канал трассасидаги гидротехника иншоотлари сони 712 тага етказилди. Каналга 100 та темир бетон кўприк солинди. Канал сувини автоматика ва телемеханика ёрдамида бир ердан туриб бошқаришга кўчдик. Лўнда қилиб айтганда, Катта Фарғона канали замонавий ирригация иншоотига айланиб, йилдан-йилга яшариб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, Катта Фарғона канали ўлкамизнинг йирик зиёратгоҳларидан бирига айланиб қолди. Бу ҳаётбахш канал ўтган йўлларда тобора кўпроқ ерларнинг жамоли очилиб, сўлим қишлоқлар, мевазор боғлар бунёдга келяпти. Бу сув инсонга ризқ-рўз, ҳузур-ҳаловат инъом этмоқда. Қирқ йилдирки, унинг бўйларидан меҳмон қадами аримайди. Айниқса, Куйганёр тўғонига, Нориндан сув олган Катта Фарғона канали Қорадарё билан қўшилиб яна айриладиган жойдаги халқ жасорати музейига жаҳоннинг етти иқлимидан меҳмонлар келиб туришади. Музейдаги таҳсин дафтарига уларнинг ҳам илиқ сўзлари битилган.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЧЎЛДАГИ АНТИҚА КОРХОНА

Когондан қирқ чақиримча нарида — асрлар давомида қақраб ётган чўлда янги бир завод қад кўтарди. Бу Иттифоқимизда ягона бўлган гелиоаппаратлар ишлаб чиқарувчи корхонадир. Заводда ишлаб чиқарилаётган аппаратлар ёқилғи ёки электр энергияси билан эмас, балки қуёш нурлари ҳисобига ишлайди.

Умумий майдони 2,7 квадрат метрли келадиган гелиоиситгич юпқа металл батареядан иборат бўлиб, шиша билан қопланган яшикка ўрнатилган. У қуёш нурларини қабул қилиб, яшикка уланган қувурлардаги сувни иситади. Аппарат бир соатда 80—90 литрли сувни 80 градусга қадар қиздириши мумкин.

Ана шундай қуёш иситгичларнинг 320 таси Чирчиққа, 200 таси Каттақўрғонга ва яна бир неча минги республикамизнинг бошқа шаҳарларига жўнатилди. Қорқоз, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон республикаларининг буюртмаларини ҳам бажаряпти.

Завод коллективи шу йилнинг охирига қадар 20 минг та иситгич аппаратини ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Бу пландагидан анча ортиқдир.

А. ФОЗИЛОВ.

Ёзувчи ва ҳаёт

ЯШНАЁТГАН ЧЎЛ

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Партиянинг ижодий союзлар фаолиятини активлаштириш ҳақидаги даъватини барча совет зиёлилари қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида бевосита биз, ёзувчиларга қарата битилган сатрлар оз эмас. Гап ҳаёт билан, халқ меҳнати билан алоқа ҳақида борадими, сиёсий, меҳнат ва аҳлоқий тарбиянинг бирлиги ҳақидами, социалистик Ватан билан ва СССР халқларининг бузилмас дўстлиги билан фахрланиш ҳақидами, совет турмуш тарзимизни, муносиб кўрсатиб бериш ҳақида борадими — ҳамма жойда совет ёзувчиси учун диёримизда, энг муҳими эса инсон қалбида юз бераётган буюк ўзгаришларни бадиий мушоҳада қилиш, изланиш учун битмас-туганмас ишлар қалашиб ётибди. Бунёдкор инсоннинг, ўз диёри соҳиби ва ўз ишининг чинакам устаси бўлган инсоннинг ахлоқий қиёфаси ёзувчи тадқиқотининг ҳамиша мавзуси бўлган эди, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Ҳар қандай китобнинг ўқувчилар орасидаги муваффақияти сири айни кунда замонамиз қаҳрамонлари нечоғли чуқур, ёрқин ва ишонарли ёритилганлигидадир. Замонамиз қаҳрамонлари ҳузурига пешвоз бориш, улар билан учрашиш ва суҳбатлашиш, характерли фазилатларини мисқоллаб тўплаш учун кузатиш лозим бўлади. Гуллаб-яшнаган ва бўлғуси қаҳрамонларнинг қўли билан обод қилинган диёрда улар билан учрашув ёзувчига нақадар кўп нарсалар бериши мумкинлигини мен ўз бошимдан кечирганман. Канал қазувчилар билан ўтказилган бир неча йиллик ҳаёт ва чўлқуварлар ҳузурига тез-тез бориб туриш натижасида рус тилида ҳам эълон қилинган «Сенга интиламан» романи ва унинг давоми бўлган «Бинафша атри» романидан иборат дилогия юзага келди. Бу роман ўтган йили босилиб чиқди. Аммо ҳар кўрганимда янги қирралари билан намоён бўладиган қаҳрамонларим ёки уларнинг прообразлари бўлган ерни яшнатувчилар билан учрашувга бўлган ташналигим шу билан босилармиди?

Мирзачўл бўйлаб қилган саёҳатларимнинг бирида Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари Муҳиддин Каримов билан учрашиб қолдим. Ўз меҳнати билан Мирзачўлга ҳаёт бағишлаган кишилар ҳақида гап кетди. Ана шу қўриқ, қурғоқ районларни ўзлаштиришга бутун ҳаётини бағишлаган Муҳиддин Каримов бу одамларни билмай, ким билсин. Улуғ Ватан уруши тамом бўлганидан кўп ўтмаёқ фронт гимнастёркасида бу ерга келиб қолган йигит шундан буён Ўзбекистонда сув ва мўл пахта учун жангу жадалда улкан ҳаёт мактабидан ўтди. Қўриқ хўжаликда комсомол етакчиси, район комсомол комитетининг секретари, колхоз раиси ва райижроком раиси бўлди. Ўзи ҳам ўсиб-камол топди, унинг атрофидаги кишилар ҳам камол топиб чиниқишди. Эндиликда Муҳиддин Каримовнинг ҳаётини Мирзачўлни ўзлаштиришдан сира ажратиш мумкин эмас: чўл билан кишилар шу қадар мустаҳкам ва чамбарчас боғланиб кетган.

Мирзачўлда нимаики амалга оширилган, бунёд этилган, етиштирилган бўлса — пахта далаларию, мевазорлар, асфальтланган янги йўллар-у, суғориш каналлари, йўл бўйида ўтказилган дов-дарахтлар-у, обод колхоз ва совхоз посёлкалари, чорвачилик фермаларию, пахта пунктлари, электр узатиш линиялари-ю, газопроводлар ана шуларнинг ҳаммаси Муҳиддин Каримов, унинг тенгқурлари ва болалари кўзи олдида ва уларнинг қўли билан бунёд этилган. Шундай. Уларнинг болалари қўли билан ҳам бунёд этилган. Негаки, бу ерда, Мирзачўлда кишиларнинг ўзи ҳам улғайиб, камол топди, фарзандларини ҳам улғайтириб, қаҳрамонона ишлар эстафетасини ва шу заминга меҳр-муҳаббатни уларга тутқазишди.

Ҳеч нарса бўш ерда ўз-ўзидан илдиз отмайди. Ҳар қандай авлоднинг ҳаёт илдизи ота-боболарига тортади. Ўшанда Муҳиддин Каримов билан суҳбатлашганимизда ўз ҳаёти учун характерли бўлган озмунча ажойиб воқеаларни сўзлаб берганмиди. Ўшанда у 1949 йили Андижоннинг Бувайда қишлоғидан комсомол даъвати билан Мирзачўлнинг қўриқ ерларини ўзлаштиришга отланган эди.

— Бизни бутун район аҳли кузатиб қўйганди, — деб сўзлаб берганди Муҳиддин. — Станцияда одамлар тирбанд бўлиб кетган. Музика, қўшиқлар янграйди, кишилар байроқ, плакатлар кўтариб олишган... Тантанаворлик ва хушчақчақлик денг. Бир маҳал қарасам, отамга кўзим тушиб қолса бўладими. Биласизми, нима олиб келяпти? Бир боғлам ўтин, бир текис қирқилиб боғланган ток новдалари олиб келяптилар. Ҳамма отамга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Отам бўлса менга яқинлашиб: «Чироғим, мана буни олиб қўй», дедилар. Нима ҳам қилардим. Уни олишга олдиму, нимагалигини тушунмай лол бўлиб турардим. Шу дам кузатувчилар ва жўнаб кетувчилар орасида қаттиқ қаҳ-қаҳа кўтарилди. Аммо отам қаҳ-қаҳа қилаётганларга бир ўқрайиб қўйган эдилар, ҳамма бир зумда жимиб қолди. Отам бундай дедилар:

— Буларни ол, ўғлим. Чўлга етиб борганларингда бу ўтин чой қўйишга асқотади. Мирзачўлда ўтин йўқ-ку, ахир. Чойни ичиб олганингдан кейин ток қаламчаларини экиб қўй. Меваси ширин бунинг, яна жазирама ёз кунида соясида ўтирасан. Мана булардан кетмон дастаси ясайсан. Кетмонсиз қанақа қилиб деҳқон бўлардинг, кетмонинг бўлмаса бу заминда сендан наф бўлмайди. Кетмон сопини синдириб қўйсанг бир далада бошқасини қаердан топиб оласан ҳам?

Муҳиддиннинг отаси ҳақ эди. У берган ҳамма нарса ўшанда жуда асқотди: ўтин ҳам, ток қаламчалари ҳам, кетмон дасталари ҳам. Аммо муҳими бунда ҳам эмас. Муҳиддиннинг отаси унга қийинчиликларни енгишга, қийин, лекин жуда керакли ишга оқ фотиҳа бериб, ўз фарзанди симмосида қийинчиликлардан қочмайдиган кучли ва матонатли киши тимсолини кўришни истарди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев совет кишилари ҳақида ва уларнинг қаҳрамонона ишлари ҳамда меҳнат ғалабалари тўғрисида гапириб, ўзининг «Қўриқ» китобида бундай деб ёзади: «Эски луғатлардан «қўриқ» сўзини топишингиз мумкину, лекин «чўлқувар» сўзини тополмайсиз. Бу сўз коллективлаштириш йилларида туғилган «колхозчи» сўзи сингари эллигинчи йилларда туғилди. Ўшанда «қўриқ» тушунчасининг ўзи соф деҳқончилик аҳамиятини йўқотиб, бу сўз ижтимоий терминга айланди. Зотан, бу сўзда юксак гражданлик ва чуқур совет ватанпарварлиги мужассамлашган эди. Чўлқувар — тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр тақозоси белгиланган алоҳида характер ифода этилади».

Алоҳида характер... Республика бўйлаб, кўпроқ Мирзачўл, Жиззах, Қарши ва Сурхон—Шеробод чўлларининг қўриқ совхозларига тез-тез бориб тураман. Ана ўшанда алоҳида қизиқарли тақдир ва мардонавор характерли кишилар билан кўп бор учрашганман. Уларнинг меҳнатдаги шижоати қаҳрамонона давримиз билан, беш йиллик планларимизнинг рўёбга чиқиши билан, истиқболга эҳтирос ила интилиш билан боғлиқ равишда улғайган бўлиб, юксак ғоявийлик ва гражданлик туйғуси билан суғорилгандир. Айни ана шу кишилар, совет характерига эга бўлган оддий ва камтарин меҳнатчилар ўзларининг меҳнати билан бугунги кун билан истиқболни бир бутун қўша олувчи кишилар ҳамиша диққат-эътиборимни ўзига тортишган ва улар роман ва повестларимнинг, очерк ва ҳикояларимнинг, поэма ва шеърларимнинг қаҳрамонлари бўлиб қолишган. Уларнинг ҳаётини кузатарканман, кундалик меҳнатига назар ташлаб, уларни ўрганиб мен ҳамиша совет кишиси характерининг чинакам манбаларини, қийинчиликларни бартараф этишда, олий мақсадларни ва юксак идеалларни амалга ошириш учун курашда бутун гўзаллиги ва бор кучи билан намоён бўладиган характерни тушунишга ҳамиша интилдим. Муҳиддин Каримов ана шундай кишилардан биридир. Шундай кишилар фақат унинг ўзими?

Худди шу Мирзачўлнинг ўзида, Гулистон районидаги Ленин номли колхозда машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусовнинг болалари билан учрашиб қолдим. Унинг беш фарзанди бўлиб, ҳаммаси меҳнат қилади, бири тракторчи, бири сувчи, бири шофёр, бири бош агроном. Уларнинг ҳаммаси оталарининг меҳнат шон-шуҳрати байроғини баланд кўтариб бормоқда. Ҳалилшер, Одилшер, Ўктамшер, Алишер ва Валишерларнинг бешови жонажон колхозларида аҳил оила бўлиб яшаяпти, улар оталари васият қилиб қолдирган киндик қони тўкилган она заминни жон-дилдан севишади, биронтасини ҳам шаҳарнинг оҳанрабоси тортмади. Колхоз посёлкаси кўчаларидан бири Ғанишер Юнусов номи билан аталаётган жойда уларнинг болалари — машҳур чўлқуварнинг набиралари вояга етмоқда. Бугунги кунда қўриқдаги янги совхоз ҳам Ғанишер Юнусовнинг номи билан аталмоқда.

Инобат Охунованинг жўшқин комсомол ёшлигидан то ҳозирги кунларгача бўлган ҳаёти менинг кўз олдимдан ўтади. Озғингина, нозик қиз қишлоқ механизаторлари тайёрлаш мактабини битириб, Мирзачўлни ўзлаштиргани келган эди. У опаси Турсуной изидан бориб, пахта териш машинасининг штурвалини бошқарди, оддий механизаторликдан энг йирик «Ўзбекистон» қўриқ совхозининг директоригача бўлган йўлни босиб ўтди.

Бир куни Улуғ Октябрь байрами арафасида, йиғим-терим ғоят қизиган паллада мен совхозга келгандим. Одамлар зўр ғайрат-шижоат билан, барча маънавий ва жисмоний кучларини ишга солиб меҳнат қилишарди. План топшириғини бажариш учун жуда оз муддат қолган, аммо об-ҳавонинг авзойи кутилмаганда бузилди. Пешиндан бошлаб қаттиқ шамол туриб, тим қора булутларни ҳайдаб келди. Аввалига майда, этингни чимдиб-чимдиб олувчи куз ёмғири бошланди, кечқурун қор ёғиб берди. Шундай қор ёғдики, уни ҳатто ноябрнинг бошлари у ёқда турсин, қишнинг ўрталарида ҳам кам кўрардик. Ҳосилни қутқариб қолиш зарур эди. Шунда совхоз директори партия ташкилоти билан биргаликда кишиларни руҳлантириб, қийин, аммо зарур ишга сафарбар эта билди. Инобат Охунованинг ўзи қовума пахталикда, оғир кирза этигига лой парчалари ёпишган ҳолда, бошига рўмол илиб олиб, ўзининг газик машинасида у даладан бу далага елиб югурарди.

Ўшанда эрта-азонда ҳам, пешин пайтида ҳам совхоз директори билан гаплашишга фурсат тополмагандим. У далада эди. Икки кундан кейингина байрам арафасида уни хотиржам ва жилмайган ҳолда кўрдим. Ўшанда у ниҳоятда ҳорғин ва чарчаган, лекин ишидан мамнун, жилмайиб турарди.

Бу пайтда мен пахта пунктига «оқ олтин»нинг сўнгги тонналари ортиб жўнатилганини билиб олган эдим.

Алоҳида характер ўз-ўзидан юзага келмайди. Бу характер тарбияланади, уни меҳр-муҳаббат билан ўстириш ва чиниқтириш, қийинчиликларни бартараф этишга тайёрлаш, ўргатиш ва йўналтириш лозим. Бу ўринда Инобат Охунова ҳақида гап кетаётган экан, жуда узоқ вақт уни вояга етказиб, чўлқувар пахтакорнинг қийин ҳаёт йўлига йўллаган инсон ҳақида — Саттор Усмонов ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади. У бир вақтлари Инобат ўзининг ҳаёт йўлини бошлаган ўша Мирзачўлдаги олтинчи совхозда директор бўлган эди. Саттор Усмонов озмунча ажойиб пахтакорларни вояга етказмади. Уларни қўллаб-қувватлаб, дастлабки пайтларда ёрдамлашиб турди, кейин ҳам назаридан қочирмади.

Бир куни Саттор Усмонов билан совхоз посёлкасининг кенг кўчаси бўйлаб борардик. Кулранг-яшил тарвузлар уйиб қўйилган сабзавот дўкони ёнида тўхтади-да, битта тарвузни олиб тарозига қўйди. Тарвуз 20 килограммдан ортиқроқ тошни ҳам босиб кетди.

— Татиб кўринг, совхозимизда етиштирилган, — таклиф қилди у тарвузни кесиб-кесиб қўяркан.

Ширин тарвуздан татиб кўрарканман, бу ерга тасодифан келиб қолган бошқа бирон киши бу диёрда шундай қучоқ сиғмас тарвуз етиштирилар экан, бу жойлар азалдан шундай гуллаб-яшнаб турган ва ҳосилдор бўлса керак деб ўйлаши мумкинлигини хаёлимдан ўтказдим. Аммо мен шундай бўлмаганлигини, бунга қандай меҳнатлар эвазига эришилганини билардим. Лекин шундай бўлса ҳам бир вақтлари бу жойлар чўли-малик эканлигини эслатдим.

— Ҳа, чўл бўлган эди, — гапимни тасдиқлади Саттор Усмонов, — энди бўлса дарахтларнинг бошини ҳам илғаб бўлмайди. — у баланд осмонга кўзини қадади. Йўл бўйлаб ўсган дарахтларнинг яшил чўққилари бир-бири билан чирмашиб ложувард осмонга кўтарилган эди.

— Кўряпсизми, дов-дарахтларимиз нақадар ўсиб кетган. Ҳатто тепасига қарайман десангиз дўппингиз тушиб кетади! — ердан дўпписини кўтариб кулимсиради Саттор Усмонов. — Бу ер саҳро бўлганига энди ҳеч ким ишонмайди.

Бугунги кунда Жиззах чўлининг қўриқ ерларига катта ҳужум бошланиб, кенг жабҳада ўзлаштирилмоқда. Саттор Усмонов ҳозир Жиззахдаги Юлиус Фучик номли совхознинг директори. Бу хўжалик ҳали ёш. Дастлабки йили иш анча қийин кучиб, хўжалик пахта топшириш планини бажармаган эди. Тажрибали чўлқуварга бу совхозни оёққа турғазишни таклиф этишди. Саттор Усмонов бажонидил рози бўлди. У бутун ғайрат-шижоати ва узоқ йиллар давомида орттирган тажрибаси билан ишга киришди. Бугунги кунда совхоз Арнасой районидагина эмас, бутун Жиззах областида ҳам илғор хўжаликлар сафига ўтиб оляпти.

Совет характери ҳамиша, ҳар қандай шароитда рўёбга чиқади, чунки меҳнаткашлар ғоявий эътиқодининг, сиёсий онглилигининг ошиши жамиятимизнинг муваффақиятли суратда олға қараб боришининг ҳал қилувчи шарти бўлиб қолди.

Мирзачўлни энди халқ Мирзагулистон демоқда. Сафарлар, учрашувлар бугунги ўзбек қишлоғи ҳаётининг манзаралари, халқ жасоратига муносиб янги асарлар яратишга илҳомлантирмай қололмайди. Мен ёзишга бўлган юксак эҳтиёж — тинимсиз ишлаш иштиёқи билан ёзувчилик дастгоҳимга қайтиб келдим.

«Известия», 1 август.

АБИТУРИЕНТ-79

СТУДЕНТЛИК ДУНЁСИ БЎСАҒАСИДА

РЕПОРТАЖ

Абитуриент деб ном олган йигит-қизлар учун, мана, масъулиятли палла ҳам етиб келди. Бутун республикамизда бўлгани каби Тошкентдаги 19 олий ўқув юрти ва 37 техникумда ҳам кириш имтиҳонлари бошланди.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти. Олий маълумотли мутахассис бўлиб етишиш иштиёқи шу улуғ даргоҳга етаклаб келган ёшлар аллақандай кўтаринки кайфиятда. Ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиш, ҳассос шоиримиз Ғафур Ғулом ибораси билан айтганда, тақдирин ўз қўли билан яратиш масъулиятиданми, ҳарқалай, аксарияти ҳаяжонда.

Эрталаб соат саккиз. Радиорепродукторлардан бош навбатчининг овози эшитилади:

— Тўрт юз етмишинчи, тўрт юз етмиш биринчи «А» группалари...

Имтиҳон варақаси ушлаган йигит-қизлар ичкарига, биринчи корпуснинг энг юқори қаватига кўтарила бошлайдилар. Ҳалигина ҳувиллаб ётган аудиториялар бир пасда абитуриентлар билан тўлади. Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, институт партия ва жамоат ташкилотлари вакиллари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, ректор К. С. Содиқов бошчилигида аудиторияларни бирма-бир айланиб, инженерлик касби ҳавасмандларини имтиҳонлар бошланганлиги билан табриклаб чиқдилар.

— Бу йилги кириш имтиҳонлари сиз, абитуриентлар учун одатдагидан ҳам масъулиятлироқ, — деди 440-группадаги бўлажак қурилиш инженерларига қарата институт партия комитетининг секретари И. А. Ливерко. — Зеро сизлар институтимиз ўзининг шонли ярим асрлик тўйини нишонлайдиган йилда имтиҳондан ўтаётирсиз. Ўтган йиллар мобайнида бу ерда етмиш мингга яқин мутахассис тайёрланди. Сизлар улардан эстафетани қабул қилиб оласиз. Имтиҳонларда катта муваффақият ва «аъло» баҳолар тилайман. Студентликнинг ақиқа тўйи — студент билети берилиши тантаналарида учрашгунча!

Фурсатдан фойдаланиб қабул комиссиясининг масъул секретари, техника фанлари доктори, профессор Зокир Салимов билан суҳбатлашдик.

— Партия ва ҳукуматимизнинг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарори хусусан бизнинг институт олдига ҳам техника фанлари соҳасида инженер кадрлар тайёрлаш савиясини тағин ҳам ошириш вазифасини қўйди. Бу ишнинг муҳим звеноси эса биринчи курсга муносиб ёшларни қабул қилиш эканлиги табиий. Олдиндан белгиланган планга кўра бир қанча малакали ўқитувчиларимиз республикамизнинг турли областларида бўлиб, касб танлаш, институтга қабул қоидалари ҳақида суҳбатлар ўтказишди.

Айниқса, март-апрель ойларида ўтказилган бир тадбирни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўшанда бизнинг институтга киришни хоҳловчилар ўртасида математика, физика ва химия фанлари бўйича ўқувчилар олимпиадалари ўтказилган эди. Қизиғи шундаки, ана шу олимпиада ғолибларининг деярли ҳаммаси институтимизга ҳужжат топширди. Бу ва бошқа тадбирлар ўз самарасини берди — бу йил бултургидан мингта кўп, яъни 10 мингдан ортиқ абитуриент бизга ўқишга киришга истак билдирди. Олимпиада ўтказилган Андижон областидан эса ўтган йилгидан 3 марта кўп, яъни 300 га яқин йигит-қиз институтимизга кириш учун ариза берди. Билим даргоҳимизга ҳужжат топширганлардан сал кам 550 нафари ўрта мактабни олтин медаль билан тугатган ёшлар бўлиб, жуда зарур, танқис ихтисосларни эгаллашга майл билдирган 406 киши партия-ҳукуматимизнинг кейинги қарорига кўра ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади. Демак, тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 1071 нафар студент маълум. Умуман эса кундузги бўлимга 3900, кечки ва сиртқи бўлимларга 2550 студент қабул қилиш планлаштирилган. Шу жумладан, Жиззах филиалига юз киши, Наманганда янги очилган филиалимизга эса 200 киши қабул қилинади.

... Соат тўққизларга яқин айланма зинада физикадан оғзаки имтиҳон топшириб чиққан йигит кўринди. Унинг юз-кўзлари чарақлаб турибди. Чунки у фаннинг сермашаққат йўлларида яна бир имтиҳондан ўтди.

Р. ҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: имтиҳон пайти.
А. Тўраев фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ БАЁНОТИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи акти имзоланган кунга 1 августда тўрт йил тўлиши муносабати билан Жаҳон Тинчлик Кенгаши баёнот эълон қилди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши ўтган тўрт йил мобайнида Умумевропа кенгашининг Якунловчи акти асосида халқаро ҳамкорлик ва кескинликни юмшатиш соҳасида илгари силжиш рўй берганлигини табриклайди. Жаҳон Тинчлик Кенгаши НАТОдаги энг урушқоқ доираларнинг кескинликни юмшатиш жараёнига путур етказиш йўлидаги уринишларига қарамай, бутун жаҳонда тинчлик анча барқарор бўлиб қолганлигини таъкидлайди.

Жаҳон жамоатчилиги, деб уқтириб ўтилади баёнотда, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида яқинда Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида имзоланган шартномани ардоқлайди, бу шартнома қуролланиш пойгасини ва хусусан ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш йўлидаги муҳим қадам, деб ҳисоблайди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши барча тинчликсевар кучларни Умумевропа кенгаши Якунловчи актининг қоидаларига ва аввало чегараларнинг даҳлсизлиги, давлатларнинг суверен тенглиги ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига риоя қилиш ва уларни қатъият билан амалга ошириш йўлидаги курашни давом эттиришга чақиради.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши иккинчи жаҳон уруши бошланган куннинг 40 йиллиги бир неча ҳафтадан кейин нишонланажагини эслатиб, кескинликни юмшатиш душманлари бўлган кучларга қарши курашни кучайтириш — бу урушнинг жаҳон халқлари учун берадиган сабоқларидан иборат бўлади, деб таъкидлайди.

Умумевропа кенгашидан буён ўтган йиллар ичида ҳарбий кескинликни юмшатиш соҳасида етарли даражада силжиш бўлмаганлиги муносабати билан Жаҳон Тинчлик Кенгаши Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ишончни мустаҳкамлаш, ҳарбий кескинликни юмшатиш йўлида муттасил ва самарали олға ҳаракат қилиб боришни таъминлаш юзасидан самарали тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида ҳам Европадаги барча давлатлар, АҚШ ва Канаданинг иштироки билан шу йилнинг ўзидаёқ конференция чақириш тўғрисида яқинда киритган таклифлари жуда муҳим эканлигини уқтириб ўтади.

Бу ташаббус, дейилади ҳужжатда, НАТО томонидан иғвогарлик мақсадида қуролланиш пойгаси янада кучайиб кетган шароитда жуда катта аҳамият касб этади. Жаҳон жамоатчилиги ана шу таклифларга НАТО мамлакатларининг ижобий жавобини кутиб турибди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши баёнотининг охирида тинчлик учун курашаётган барча ташкилотлар ва группалар билан ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлажагини. Хельсинки кенгаши Якунловчи актининг қоидаларини амалга ошириш манфаатларини кўзлаб, Европада чинакам хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорликнинг бундан буёнги конкрет тадбирлари тўғрисида ҳукуматлараро битимлар тузилишига ҳаракат қилажагини билдиради. (ТАСС).

ПАРТИЯВИЙ ИШ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

АХДП Марказий Комитетининг органи бўлган «Халқ» газетаси ўзининг редакцион мақоласида бундай деб ёзади: муассасаларда, қишлоқ хўжалик кооперативларида ва саноат корхоналарида бошланғич партия ташкилотларининг тузилиши, уларнинг актив фаолияти Апрель революцияси афғон халқи олдига қўйилган вазифаларни самаралироқ бажаришга ёрдам беради.

Бошланғич партия ташкилотлари, деб ёзади газета, жойларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашлари, ишлаб чиқаришни бошқаришда бюрократизм кўринишларига ва камчиликларга қарши кураш олиб боришлари, меҳнаткашларни хўжалик вазифаларини ҳал этишга ҳамда республикада янги жамият барпо этиш план ва программаларини бундан буён амалга оширишга сафарбар этишлари лозим. Бошланғич партия ташкилотлари илғор корхоналарнинг тажрибасини умумлаштира бориб, маъмурий аппарат намояндалари билан биргаликда муаммоларни ҳал қилишнинг қулай йўлларини қидириб топишлари керак.

Партия органларида коллектив раҳбарликни кучайтириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, партия йиғилишларида масалаларни ҳар томонлама демократик асосда муҳокама қилиш йўли билан, деб таъкидлайди газета, партия ички демократиясини кучайтириш тўғрисида АХДП Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган қарори бу соҳада муҳим қадам бўлди.

(ТАСС).

ҚЎШМА АХБОРОТ

ЖЕНЕВА. (ТАСС). СССР вакили В. Л. Исраэлян қуролсизланиш комитети мажлисида сўзга чиқиб, химиявий қуролларни тақиқлаш тўғрисида икки томонлама музокараларнинг бориши ҳақида СССР билан АҚШ делегацияларининг қўшма ахборотини эълон қилди.

СССР билан АҚШ раҳбарларининг яқинда Венада бўлиб ўтган учрашувлари вақтида, дейилади ахборотда, ҳар икки томон химиявий қуролларини ялпи, тўла ва назорат остида тақиқлаш муҳим эканлигини таъкидладилар ва қуролсизланиш комитетига тақдим этиш учун ўзаро келишиб олинган қўшма таклифларни тайёрлаш борасидаги ҳаракатларини кучайтириш тўғрисида келишиб олдилар. СССР билан АҚШ делегациялари ўзаро музокараларнинг 16 июлда бошланган навбатдаги даврасида давомида шу қоидага амал қилиб иш кўрдилар.

Химиявий қуролни тақиқлашга доир бир қанча масалалар юзасидан СССР билан АҚШ ўртасида келишувга эришилганлигини, бошқа масалалар хусусида музокаралар давом этаётганлигини қўшма баёнотда уқтириб ўтиб, томонлар «мана шу ғоят муҳим ва жуда ҳам мураккаб проблема юзасидан мумкин қадар тезроқ икки томонлама музокараларни тугаллаш ва қуролсизланиш комитетига биргаликдаги ташаббусни тақдим этишга бутун кучларини сарфлайдилар», деб таъкидладилар.

Шу мажлисда Буюк Британия делегати ядро қуролини барча муҳитларда синаб кўришни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома ва тинч мақсадларда ядро портлатиш хусусида шу шартномага қўшимча протокол тўғрисида СССР, АҚШ ва Буюк Британия ўртасидаги музокараларнинг бориши ҳақида қуролсизланиш комитетига қўшма ахборот топширди.

ВЬЕТНАМ—ХИТОЙ МУЗОКАРАЛАРИ

ПЕКИН. (ТАСС). Вьетнам ҳукумат делегациясининг бошлиғи, ВСР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Дин Ньо Лием Вьетнам — Хитой музокаралари иккинчи даврасининг навбатдаги мажлисида сўзга чиқиб, Хитойнинг ВСРга қарши иғвогарлик ва гегемончилик ҳаракатини қоралади. Хитой томони, деди у, ВСР чегарасига бевосита яқин жойда ҳамон 12 армия дивизиясини сақлаб турибди ва Вьетнамга қарши қуролли бостириб кириш ва бошқа душманчилик ишлари билан шуғулланмоқда. Тўлиқсиз маълумотларга қараганда, ХХР маъмурлари июль ойининг ўзидагина 80 марта қуролли иғвогарлик қилдилар. Қарийб бир батальондан иборат Хитой қўшинларининг Вьетнам территориясига 4 километр масофагача бостириб кирганликлари энг катта иғвогарликларидан биридир. Айни вақтда Хитойнинг раҳбар арбоблари Вьетнамга қарши яна агрессия билан таҳдид қилмоқдалар. Хитой аҳолиси ўртасида ВСРга нисбатан шовинистик кайфиятларни туғдирмоқдалар.

«Кампучия масаласи» ва Ҳинди-хитойлик қочоқлар проблемасидан ВСРга қарши фойдаланишга уринишлар ҳам Хитойнинг гегемончилик мақсадларига хизмат қилмоқда. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси барбод бўлиши муқаррардир, деб таъкидлади Дин Ньо Лием. Вьетнам халқини қўрқитолмайдилар. Кампучиядаги тарихий ўзгаришлар эса муқаррардир.

Хитой томони музокараларда силжишга эришиш учун Вьетнамга нисбатан гегемончилик ҳаракатларидан воз кечиши ва дастлабки кун тартибига риоя қилиб, ҳар иккала мамлакат ўртасида муносабатларни нормаллаштиришга хизмат қиладиган ВСРнинг конкрет таклифларини муҳокама қилишга киришуви, биринчи навбатда чегара районларида иғвогарликка йўл қўймаслик тўғрисида Вьетнам томони таклиф этган шартнома лойиҳасини имзолаши керак.

Хитой делегациясининг бошлиғи Хан Няньлун ўз нутқида Кампучия тўғрисидаги музокараларнинг иштирокчиси эмаслигига қарамай, Кампучия масаласини муҳокама қилиш тўғрисида Хитой томонининг маълум талабларини такрорлади. Бундан ташқари, Хитой вакили Хитой талқинида гегемонизм тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни талаб қилаверди, ВСРнинг ташқи сиёсатига нисбатан туҳмат гапларни айтди.

Музокаралар давом эттирилади, деб эълон қилинди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — БАЙРОҒИМИЗ

31 июль куни Урганчда КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларни интернационал тарбиялаш проблемаларига бағишланган область илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Хоразм областининг идеология ходимлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, комсомол ходимлари иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг лектори М. Х. Холмуҳамедов «Ривожланган социализмнинг миллий муносабатлари ҳамда интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг баъзи бир масалалари тўғрисида» доклад қилди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти катта илмий ходими Л. Н. Лебединскаянинг доклади «Интернационализм — империализм ва реакцияга қарши курашда барча мамлакатлар халқларининг синалган қуроли» мавзуига бағишланди.

Конференция қатнашчилари иш тажрибасини ўртоқлашдилар. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги» қарори асосида меҳнаткашларни интернационал тарбиялашни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

«МОЛНИЯ-1»

ТАСС АХБОРОТИ

1979 йил 31 июлда Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Молния-1» учирилди. «Молния-1» алоқа йўлдоши олис телефон-телеграф радиоалоқа системасидан фойдаланишни таъминлашга, шунингдек СССР Марказий телевидениеси программаларини «Орбита» тармоғининг чекка Шимол, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё районларида жойлашган пунктларига юбориш учун мўлжалланган.

Йўлдош ичига телевидение программаларини юбориш ҳамда кўп каналли олис радиоалоқа ўрнатишда ишлатиладиган аппаратлардан ташқари команда-ўлчаш комплексининг, шунингдек мўлжал олдириш, орбитани ростлаб туриш ва йўлдошни энергия билан таъминлаш системасининг аппаратлари ўрнатилган.

Олинган маълумотларга кўра, йўлдош ичига ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди, «Молния-1» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказилади.

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ЁЗГИ VII СПАРТАКИАДАСИ

МАРРАГА ЯҚИНЛАШГАНДА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАХСУС МУХБИРИ Ҳ. НОСИРОВ МОСКВАДАН ХАБАР ҚИЛАДИ

◆ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ БИЛАН БЎЛГАН УЧРАШУВДА
◆ Г. ОСТАНАЕВ ВА В. ЖГУН БРОНЗА МЕДАЛЛАРИ СОВРИНДОРИ
◆ БУГУН ЯНА САККИЗ ЧЕМПИОН АНИҚЛАНАДИ

Спорт журналистлари ва Спартакиада меҳмонлари ҳар куни ўз дафтарчалари билан мусобақага йўл оладилар. Шу боисдан ҳам барчанинг диққат-эътибори мусобақаларнинг қолган турларига қаратилган. Куни-кеча сузувчилар ва гандболчилар мусобақани тугатган бўлсалар, камон отиш спортчилари стартга чиқишди...

«Дружба» залида волейболчилар ўртасида мусобақа бўлиб ўтмоқда. Совринли ўринлар учун кураш боряпти. 1—12 ўринлар учун курашда Ўзбекистон аёллар терма командаси ҳам иштирок этмоқда. Маълумки, бу мусобақада Польша, Япония командалари билан бир қаторда жаҳон чемпиони Куба волейболчилари ҳам ўз кучларини синаб кўришяпти.

Ўзбекистонлик спортчилар навбатдаги учрашувни жаҳон чемпионлари билан ўтказишди. Волейболда ҳисоб 2:2 бўлганида, бешинчи партияни доимо ҳал қилувчи деб ҳисоблашади. Ўзбекистон ва Куба волейболчилари ўртасидаги учрашувда тўртинчи партия барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Турнирда бир текис ўйнай олмаётган республикамиз вакиллари қудбалик волейболчиларга қарши шу партияда ўз маҳоратларини кўрсатишди. Дастлаб ҳисобда ўзбекистонликлар олдинга ўтиб олишди: 14:9. Кейинчалик ҳисоб 14:14, 15:15, 16:16 бўлди. Томонлар яна биттадан очко олиб, ҳисобни 17:17 га етказишди. Яна икки очко олган томон голиб келади. Кубаликлар бу очкони қўлга киритишиб, умумий ҳисобда 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Мухлислар ўзбекистонлик волейболчилар ўйинига катта баҳо бердилар.

Оғир атлетикачилар мусобақаси давом этмоқда. 90 килограммгача бўлган вазндаги спортчилар курашида голиблар аниқланди. Белоруссиялик В. Шарий 380 килограмм натижа билан биринчи ўринни, Г. Бессонов (РСФСР) 377,5 килограмм натижа билан иккинчи ўринни олди. Учинчи ўринга Ўзбекистон вакили В. Жгун билан жаҳон чемпиони С. Полторацкий асосий даъвогар бўлишди. Бу икки спортчининг баҳсига штангадаги оғирлик 207 килограмм бўлганда нуқта қуйилди. 22 ёшли штангачимиз В. Жгун 207 килограмм тошни кўтарди. Жаҳон чемпиони 210 килограмм натижа кўрсатмоқчи бўлди. Лекин у бу оғирликдаги тошни кўтара олмади. Натижада республикамиз вакили бронза медалини қўксига тақишга муяссар бўлди.

Яна бир вакилимиз Л. Плохой тўртинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон командасига қимматли очко келтирди. Ҳар икки спортчимиз Спартакиада баҳсларида республика рекордини ўрнатганликларини маълум этиш ниҳоятда ёқимлидир.

Дзюдочилар беллашувда андижонлик В. Сободирев Спартакиада совриндори бўлганлигини хабар қилган эдик. 86 килограмм вазнли полвонлар билан курашда Ғаффор Останаев ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Курашга шайланган 17 нафар полвоннинг ҳаммаси медаллар учун ўз маҳоратини намойиш этди. Ҳа, мусобақа олдида ҳамма ўз олдига битта мақсад — медалчилар сафида бўлиш мақсадини қўйди. Бунга эришиш учун зўр чидам, матонат ва маҳорат зарур. Ғаффор Останаев спортчиларга хос ана шу хислатларни намойиш этди.

Бухоролик полвон Ғ. Останаев қозоғистонлик В. Козлов билан кураш гиламига таклиф этилади. У ўз рақибини очколар бўйича ютди. Кураш гиламида яна икки беллашув ўтказилгач, электр таблосида Останаев билан Г. Самхарадзе фамилиялари пайдо бўлди. Таблодаги 7 рақами голиб спортчи учинчи ўринга кўтарилади деган маънони билдирарди. Молдавиялик курашчи билан беллашув қизғин спорт курашига айланди. Республикамиз вакили ўз рақибини уч марта курагини ерга теккизиб, олдинга ўтиб олди. Гурам ҳам бўш келмади. Лекин вақтида очколар тўплай олмади. 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган Ғ. Останаев бронза медалини олди.

Спартакиаданинг футбол мусобақалари ҳам гоят қизғин ўтмоқда. 9—12 ўринлар учун мусобақалар ниҳоясига етай деб қолди. Ўзбекистол футболчилари учинчи учрашувни Молдавия терма командаси билан ўтказди. Бу ўйинда ҳисоб 2:2 бўлди. Тўпларни Ан ва Шоймардоновлар киритишди. Республикамиз футболчилари 5 очко билан тўққизинчи ўринни эгалладилар.

Крилатскийдаги махсус мерганлик майдонида камончилар баҳслашмоқдалар. Республикамиз вакиллари кучли олтиликда боришмоқда. О. Рогова 629 очко билан тўртинчи, Н. Бутузова эса 628 очко билан бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Сузиш мусобақалари маррага етди. Вакилларимиз жами 256 очко билан бу мусобақаларда тўққизинчи ўринни эгаллашди.

Чиндан ҳам СССР халқларининг ёзги VII Спартакиадаси ўйинлари маррага яқинлашган сари ҳар бир очко, ҳар бир дақиқа учун кизғин кураш бормоқда. Бугун Ватанимиз пойтахтида спортнинг олти тури бўйича мусобақалар ўтказилиб, яна саккиз мукофот ўз эгасини топади.



ВОРОНЕЖ ОБЛАСТИ. Россоши шаҳридаги Придон минерал ўғитлар химия заводида дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Йилига 450 минг тонна аммиак ва 450 минг тонна аммиак селитраси тайёрлаб берадиган биринчи навбат қурилишн тугалланди. Ҳозир бу ерда ускуналарни созлаш ишлари олиб борилмоқда.

СУРАТДА: азот кислотаси ишлаб чиқарувчи цех участкаларидан бири.

ТАСС фотохроникаси.

РЕКЛАМА ва эълонлар

СССР Давлат банкининг
МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲИСОБ-КРЕДИТ ТЕХНИКУМИ
1979—1980 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМДА «ДАВЛАТ БАНКИДА ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ», «ДАВЛАТ БАНКИДА ҲИСОБ ВА ТЕХНИКА» ҲАМДА «ОМОНАТ КАССАЛАРИДА ҲИСОБ» БЎЛИМЛАРИ БЎЛИБ, ДАВЛАТ БАНКАЛАРИДА ВА ОМОНАТ КАССАЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЎРТА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **давлат банкининг кредит-инспекторлари, давлат банкининг бухгалтерлари, давлат омонат кассаларининг бухгалтерлари.**

ҚАБУЛ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ЎРТА МАКТАБЛАРНИ БИТИРГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати: ўрта мактабни битирганлар учун 1 йилу 8 ой.

Кирувчилар директор номига талаган мутахассисликни кўрсатиб ёзилган ариза ва қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), соғлиги ҳақидаги справка (286-форма), бош кийимсиз тушилган 4 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН — 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникумда ўқувчилар сафига қабул қилиш 21 августдан 24 августгача ўтказилади.

Техникумда ўқувчилар умумий қондага асосан стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Марғилон шаҳар, Ленин кўчаси, 123«а»-уй «Марғилон — Эшонгузар» маршрутида қатнайдиган автобуснинг «Ҳисоб-кредит техникуми» бекати. Телефонлар, 3-22-20, 3-22-21, 3-22-23.

Узбекистон ССР Геология министрлигининг
ТОШКЕНТ ГЕОЛОГИЯ-РАЗВЕДКА ТЕХНИКУМИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Геология, фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш, фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, гидрогеология ва инженерлик геологияси, фойдали қазилма конларини разведка қилиш техникаси, тез ҳаранат қилувчи математик машиналар учун программалаш (фақат кундузги бўлим).

ҚАБУЛ ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИГА ТЎЛА ЎРТА МАКТАБНИ (10 ёки 11-синфларни) ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАН ҚИШИЛАР ҲИСОБИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛУ 6 ОЙ.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: рус группасига кирувчилар — **математика** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (иншо); ўзбек группасига кирувчилар — **математика** (оғзаки), **ўзбек тили ва адабиёти** (иншо).

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур: директор номига белгиланган нусхадаги ариза, маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 4 та фотосурат

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҲУЖЖАТЛАР 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 21 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Студентлар сафига қабул қилиш 22 августдан 24 августгача ўтказилади;

сиртқи бўлимга ҳужжат 1 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари — 1 ноябрдан 15 декабргача, студентликка қабул қилиш 16 декабрдан 25 декабргача ўтказилади.

Кундузги бўлимда студентликка қабул қилинганлар умумий асосларда стипендия билан, бошқа шаҳарлардан келган кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри-95, Қамарнисо кўчаси 1-уй.

Узбекистон ССР Маориф министрлигининг
Н. К. КРУПСКАЯ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
БИЛИМ ЮРТИ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ МУРАББИЙЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — ўрта маълумотлилар группасида — 2 йилу 6 ой.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур: маълумоти тўғрисидаги аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), санэпидстанциядан справка ва 2 марта бактериологиядан анализ; 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Ўрта маълумотлилардан 15 августгача ҳужжатлар қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 178-уй, Телефон 78-55-64.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг
МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
умумий альгология лабораториясининг кичик илмий ходими (гидробиология ихтисоси бўйича)
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КОНКУРС МУДДАТИ — 10 АВГУСТГАЧА.

Конкурс шартларига мувофиқ ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри-143, Академиклар шаҳарчаси.

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 3/VIII да **Янги мавсумнинг очилиши.** «КИЧИК ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ». ЛИЛИПУТЛАР ЦИРКИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

●

«СРЕДАЗТЕПЛОМОНТАЖ» трестининг
ЎҚУВ ПУНКТИ
футеровкачи-кислотоупор. чиларни тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга 18 ёшдан кичик бўлмаган, ҳамда Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган 10-синф ҳажмидаги маълумоти булганлар қабул қилинади.

Курсантларга 76 сўм стипендия тўланади. Бошқа шаҳарлилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганларга разряд берилади ва Тошкентдаги «Монхимзашита» бошқармаси системасига ишга юборилади.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Справкалар учун адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпилькова кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати). Телефонлар: 56-45-46, 56-40-43.

●

Тошкент шаҳридаги
1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй). троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга кирувчилар формали кийим-бош ва 60 сўм стипендия билан таъминланадилар.

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТЛАРИДА БЕПУЛ ЮРИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛАДИ.

Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ҚЎРГАЗМАСИДА

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Кейинги йилларда Ўзбекистон енгил саноатида катта ютуқлар қўлга киритилди. Учинчи беш йиллик бошлангандан бери республикада саноат маҳсулотлари, айниқса, кенг истеъмол моллари кўплаб тайёрланди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг тематик павильонида очилган «Ўзбекистон енгил саноати ўнинчи беш йилликда» деган янги кўргазмада республикамиз енгил саноатчилари эришаётган ютуқлар ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.

Камалак рангида товланувчи хонатласлар, креплешинлар, кремпленлар, шифон каби газламалар киши кўзини қамаштиради. Хива гилам комбинатида тайёрланган маҳсулотлар, Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг турли хил атласлари, Самарқанд ва Тошкент чинни заводларининг лаганлари, чойнак-пиёлалари, сервизлари томошабиларни мафтун этади. Ўзбекистон шойи газламалари ҳам кўргазмага қўйилган.

«Олимпиада-80» рамзи туширилган экспонатлар Москвада бўладиган улкан спорт анжуманига ажойиб совғадир. Экспозицияга спорт сумкалари, костюмлари, қопчиқлари, Тошкент спорт буюмлари фабрикаси маҳсулотлари қўйилган.

Кўргазманинг тикувчилик саҳнатилган бўлимида аёлларнинг кечки кўйлаклари, енгил сарафанлар, эркаклар-нинг чиройли костюмлари қўйилган. Болалар учун тайёрланган маҳсулотлар ҳам хилма-хилдир. Булар Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика модалар уйи, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг буюмларидир. Ҳозир республикамизда бу соҳада 6 та йирик корхона самарали ишлаб турибди. Улар жами 365 миллион сўмлик тикувчилик маҳсулотлари тайёрлайди. Эндиликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари 800 дан ошиб кетди.

Кўргазма экспонатлари, диаграммалар, фотосуратлар ва турли рақамлар Ўзбекистон енгил саноати ўнинчи беш йилликда нақадар юксалганлигини кўрсатади. Маҳсулотларнинг тури кўпайди, сифати ошди. Мана баъзи рақамлар: 1975 йилда давлат Сифат белгиси олган трикотаж буюмлар 1,7 процент бўлса, 1978 йилда бу кўрсаткич 11 процентга етди, 1975 йилда ишлаб чиқарилган Сифат белгили чарм пойафзаллар 1,9 процент бўлса, 1978 йили бу кўрсаткич 13,3 процентни ташкил этди. Ҳозир республикада 3 та чарм пойафзал ишлаб чиқарадиган бирлашма ҳамда 17 корхона самарали ишлаб турибди.

Кўргазмада Тошкент тўқимачилик комбинатида тайёрланган газламалар ҳам бор. Харидорлар дидига мос қилиб тўқилган бу газламалар ёнида томошабинлар узоқ туриб қолишади. Бу ерда корхонанинг машҳур тўқувчиси, дастлабки беш йилликлар қаҳрамонлари Виноградовалар номидаги мукофотга сазовор бўлган А. С. Верзилинанинг сурати ҳам бор.

Кўргазмага «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи С. Ёрмуҳамедова, Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси М. Қорабоев сингари мусобақа пешқадамларининг суратлари қўйилган. Улар зарбдор меҳнатлари билан барчага намуна бўлишяпти: ўнинчи беш йиллик шахсий планларини бажариб бўлиб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрлашаётир.

Кўргазма экспонатлари томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. Улар Ўзбекистон енгил саноати эришаётган ютуқларини эътироф этмоқдалар.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

ҚИЗ СОЛДАТЛИККА БОРАРМИКАН?

Эми Мадлен Паризи чақалоқлигидаёқ хатога йўл қўйилган эди. 1961 йили унинг ота-онаси Канададан Италияга кўчиб кетаётганида қизалоққа анкета тўлдираётган чиновник янглишиб, қизни ўғил деб ёзиб юборган экан.

Мана энди бечора Эми Мадлен Паризи ўн саккизга тўлиши билан повестка устига повестка ёғилиб кетди. Қиз ва унинг ота-онаси ҳарбий маъмурларга қанчалик тушунтиришмасин, улар «ҳужжатда эркакмисан, хизматга боришинг керак, вассалом!» дейишмоқда.

Мабодо қиз ҳарбий хизматга бормаса, у қамоққа олиниб, судга берилади. Италияда чиқадиган «Доменика дель корнере» журнали бечора қиз Гаетадаги ҳарбий қамоқхонага тушиб қолмаса эди, деб хавотирланмоқда.

БИЛГАНГА ЛАПАР, БИЛМАГАНГА...

Фельетон

Қазисан-қартасан, ахир аслингга тортасан. Бутун бошли идорани кемирилган пондай қилиб қўйиб, энди бир чеккага чиқиб ўтирасанми, номард! Икки гапнинг бирида, қозиқнинг учи ҳам, боши ҳам бўлманг, хўжайин, ўртаси бўлинг. Боши бўлсангиз, тўқмоқ ейсиз, учи бўлсангиз, ерга кирасиз, деб сув пуркаб юрган одам шундай кунда қўлтиғимга кир. Ҳў, сенинг ўша икки бошли қозиғингдан ўргилдим, тўқмоқ бўлиб уриб, бир йўла ерга киргизиб юборди-ку...

Мирадҳам Қосимовнинг азбаройи лардн зўрлигини идорани бошига кўтариб гапириб ўтирганини ўзи ҳам билмас эди. Саёз дарё шовуллаб эшитади, деганларидай. Владимир Шафироннинг елпағаклигига маҳлиё бўлган бошлиқ энди одамларнинг олдида мулзам бўлиб, ер чизиб ўтирибди. Яна Шафиронинг ҳар битта янги ишга қўл урағганида: «таваккал-да хўжайин, сиздан нима кетибди. Карнайчидан битта пуф, дейишган экан. Қўяверинг, бир ғап бўладиган бўлса ҳамма вада-ванг-нинг жавобини ўзим бераман. Арқонни узун ташланг янглишмайсиз», деганига ўлсинми.

Қозонга яқин юрсанг, қораси юқаркан. Қосимов бош инженернинг бол суркалган гапларига лаққа ишониб, арқонни чамбараклаб узун ташлаб қўйдию, аммо ахир бир кун шу арқон илмоқ бўлиб келиб, ўзининг оёғидан илишини ўйламади. Юз йил яшаб юз йил ўрган, деб шунга айтадилар-да. Аслида, Шафиро қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси инженерлари В. Половинкин ва Ю. Хайкин билан тил бириктириб, «Галлақудуқ» совхозида 16 минг сўмлик бажармаган ишни бажарилди, деб сохта акт тузганида, бошлиқ ўзининг бошлиқлигини кўрсатиб, бош инженернинг адабини бериб қўйиши лозим эди-ю, лекин «ўзи арзимаган пул, сўк ошига сурнай чалмай», деб шайтонга ҳай берганди. Ўшанда чакки қилган экан. 16 минг сўмлик акт 2040 сўмлик нарядни бошлаб келиб. Шафиронинг чўнтагига 1400 сўм текин «маош» бўлиб тушганидан кейин, бош инженернинг оёқ олиши бошқача бўлиб қолди. Тиришганнинг тўқмоғи тошга чега қоқибди, деганларидай, астасекин Шафиро қурилаётган объектларда сохта акт ёзиш билан текин даромад олишнинг машқини қилиб юриб, шунақанги устаси фаранг бўлиб кетдики, бошлиқ ҳам охири «туллак чумчуқни кўраверіб эти қотиб кетди. «Янги кўзанинг суви тотли бўлса ҳам, эскиси афзал. Негаки, қаерида нуқсони бордиги ўзимга бош қўлдай маълум. Инженерни янгиласам, яна қандайига йўлиқаркинман», — деб, «бош инженер ундоқ, бош инженер бундоқ» деган одамларнинг оғзига урди. Бу гапларни эшитган Шафиро пиқирлаб кулиб қўйди. Чунки у экспедиция бошлиғи аслида бошқалар ўйлагандай гуноҳсиз фаришта эмаслигини, унинг ҳам бўйнида анчамунча иллатлари борлигини биларди-да. Бўйнида иллати борнинг озғи қалтирайди деганларидай, ўзининг қилмишларидан бош инженернинг ҳам ҳид олганлигини сезган бошлиқнинг ўз олдини кесиши келмаётганлиги сабаби ҳам шунда эди.

Кунларнинг бирида Владимир Шафиро «Туркестанец» совхозидаги трассани тиклаш ишлари» учун 166-ва 275-наряд билан 311 сўм ўрнига 1380 сўм ёзиб шунинг 1179 сўмини «хизмат ҳақи»га чиқарганида Мирадҳам Қосимов ўзини тутиб туролмай, газаб билан томоқ қириб қўйган эди. Бош инженер шу куниёқ бошлиқнинг ҳузурига елпатак бўлиб келди-да;

— Игна билан битадиган ишга жуволдиз тиқманг, хўжайин. Ахир, бир жойда ишлайдиган одаммиз. Жанжалли уйда барака бўлмайди, яна иккимизнинг ишимиздан ҳам барака кўтарилиб ўтмасин, — деб қозиқнинг ҳузурига келган афандидай ёлғиқ луқма борлигига шама қилиб қўйди.

Бу луқма ҳақиқатан ҳам серёғ экан. Экспедиция бошлиғи уни кўриб, ўзини тутиб туролмади. Қидирув бўлимининг куратори Акулин ва отряд бошлиғи Раҳимов билан бирга учта сохта наряд тузишиди-да. 1711 сўмни чўнтакка уришди.

Бу бошланиши эди. Бир марта ҳаром луқма ўтган жиғилдон асло жиқилламай туролмайди. 1711 сўм М. Қосимовнинг нафсини сира босилмайдиган қилиб ғимирлатиб қўйди. Илгари барча барака, деб маошига қаноат қилиб юрган бошлиқ энди юрса ҳам, турса ҳам кўп нарсаларга эҳтиёж сезадиган бўлиб қолди. Цемент зарур бўлиб қолган эди. омборга келди-да, 2,8 тоннасини машинага ортиб уйига жўнатиб юборди. Омбор мудирлари ҳам «бунинг ҳақи нима бўлади», деб суриштириб ўтиришмади. Ҳар ҳолда бошлиқ ўз номи билан бошлиқ-да! Индамай журналга Қосимовнинг номини ёзиб, омбордан қандай нарсалар олганини қайд қилиб қўяверишди. Кўп ўтмай 2,8 тонна цемент ёнига 7 комплект автомобиль шинаси, 2,2 куб метр ёғоч, АПЗ-80 маркали қозон, «Урал» автоприёмниги, 1254 сўмлик қувур ва бошқа жиҳозлар ҳам ёзилди.

Бошлиқнинг режасига қараб тўн бичаётган омбор мудирлари ҳам буни кўриб тинч ўтиришармиди. Қозонинг бир қулоғидан Қосимов ушлаган бўлса, иккинчи қулоғидан биз кўтарамиз, деб лайлакнинг юришини қилган чумчуқдай омборда борини ташмалаб кетаверишди.

— Қўйинидан тўкилса қўнжига. Аммо ҳужжатини тўғрилаб қўйинглар. Яна сири кўчага чиқиб, бир мири ҳаён, уч мири эйён бўлиб юрмасин, — деб Қосимов уларни огоҳлантириб қўярди.

— Ташвишланманг, хўжайин, — дейишарди омборчилар ҳам ўз навбатида. — Ипи узиладиган иш қилмаймиз. Ҳаммаси қонуний бўлади.

Улар ҳам ўзлари айтгандай «қонуний» иш қилишди. 33 тонна цемент, 14,5 кубометр ёғоч ва бошқа қурилиш материалларини чиқитга чиқариб, акт билан гумдон қилиб юборишди. Тошкент ёғоч савдоси базасидан қоғозда кўрсатилган 200 дона таглик ўрнига олинган 344 квадрат метр ойна. 161 квадрат метр девор плита, беш тонна цементнинг тагига ҳам шу тарзда сув қуйилди.

Булар ҳали ҳолва. 8-экспедициядаги «торт-торт»лар Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Ўзгипроводхоз» лойиҳалаш институтидагилар учун билганга лапару, билмаганга дардисар бўлиб турибди. Ҳозир экспедициядаги хуфя ишларнинг тугунини тополмай институт раҳбарларининг ҳам боши қотган. Нима ҳам қилишсин. Экспедиция ходимларининг бири қош бўлса, бири кўз. Беш бармоқнинг бирини тишласанг бари оғрийди. Индамай дейишса, М. Қосимов ва В. Шафиро бошлиқ тузоқ кўрмаган туллак чумчуқларнинг иши ҳалиқ назоратчилари текширишидан сўнг туз сепилган турпнинг селидай селкиллаб турибди.

Қийиқ иш қанчалик узун бўлмасин, барибир учи чиқадиган бўлганидан кейин М. Қосимов билан В. Шафиронинг ўйламай сойга тушдим, энди менга қир қайда, деб ўзларнини ҳар ёнга уришаётгани сабаби ҳам ана шунда. Ҳар ҳолда, арғамчига қил ҳувват, дейдилардаи. Билишмайдики, ҳар ишнинг ҳавоси қандай бўлса, навоси ҳам шундай бўлади. Биз ҳам шу ерга етганда гапга нуқта қўйиб, қиссадан ҳисса чиқаришни тегишли органларга ҳавола қиламиз.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Спартакиада кундалиги. 10.05 — Буратино кўргазмаси. 10.35 — Шер уйдан кетиб қолди. Бадиий фильм. 1-серия. 11.40 — РСФСР халқ артисти М. Мордасова куйлайди. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Молдавия ССР ташкил топган кунга. 16.30 — Спартакиадада. 17.30 — Шахмат мактаби. 18.00 Усмирлар ижоди. 18.30 — Мураббий. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Олимпия шаҳарлари эстафетаси. 21.30 — Вақт. 22.05 — Спартакиадада. 22.30 — Янгиликлар. 22.35 — Спартакиадада. 23.00 — Расмлар ҳақида ҳикоялар. Н. Рерих.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Йўловчи. Кинофильм. 12.10 — Қизил альпинистлар. Бадиий фильм. 11—12 сериялар. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.20 — Республика мулки. Бадиий фильм. 2-серия. 18.20 — Кўғирчоқ телефильм. 18.35 — Ёшлик. 19.05 — Мехнат кишиси ҳақида ғамхўрлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — — Вақт. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Ҳужжатли кино экрани. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Ёшлик. 21.00 — Ҳамма таниган номаълум киши. Бадиий фильм. 4-серия.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Халқ қўшиқлари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Коммунистлар — чорвадорлар мусобақасининг етакчилари. 13.30 — Л. Сенчина ва М. Содиқов иккаро этади. 14.00 — Маккажўхорикорларнинг зарбдор вахтаси. 15.00 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшиттириш. 18.30 — Депутат ва ҳаёт. 18.40 — Ёшлик. 20.25 —Р. Абдуллаев. Зулфия шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар туркуми. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Октябрда тобланган ҳаёт. 21.20 — Концерт. 21.50 — СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасида. 22.28 — Ҳ. Юсупова ва Р. Йўлдошева куйлайди. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05 секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси.

Р. 03044. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 175.